Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

18 декабрь 1973 йил, сешанба ◆ № 295 (15.764). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЙИЛ ЗАФАРЛАРИ

● ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАР РАПОРТ БЕРМОҚДАЛАР.

● МЕЛИОРАТОРЛАРНИНГ ЯХШИ ИШЛАРИ.

● ПАРРАНДАЧИЛАР ЮТУҒИ.

БУТУН ПАРТИЯНИНГ, БУТУН ХАЛҚНИНГ ИШИ

Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили коммунистик қурилишда, ички ва ташқи сиёсатда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча бош йўлини амалга оширишда ажойиб муваффақиятлар билан нишонланди. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми қарорлари ва саккизинчи чақириқ СССР Олий Советн VII сессиясининг қарорлари совет кишиларида сиёсий активликни ва меҳнат ғайратини янада жўш урдириб юборди.

Марказий Комитет Пленуми СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани ва СССРнинг 1974 йилги давлат бюджети лойиҳаларини муҳокама қилди, уларни асосан маъқуллади ва СССР Олий Совети сессияси муҳокамасига киритди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев катта нутқ сўзлади.

Марказий Комитет Пленуми қуйидаги қарорни қабул қилди:

«КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсат соҳасида партия XXIV съезди қарорларини амалга оширишдаги фаолияти, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалар батамом ва тўлатўкис маъқуллансин.

1974 йилги планни тўла ва ошириб бажариш, умуман беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада юксалтириш, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий даражасини янада ошириш учун шароит яратади деб ҳисоблансин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, барча партия ташкилотларига ўртоқ Л. И. Брежнев нутқига амал қилиб, коммунистларни, комсомолларни ва барча меҳнаткашларни 1974 йилги халқ хўжалик планини бажаришга сафарбар этиш ишини авж олдириб юбориш таклиф этилсин!».

Партиямиз ва халқимизнинг шу беш йиллиқдаги, унинг учинчи йилидаги бунёдкорлик фаолияти натижалари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Марказий Комитет Пленумидаги нутқида чуқур ва ҳар томонлама таҳсифлаб берилди. У 1974 йилги халқ хўжалик планини бажариш, халқ хўжалигини, маданиятни ва меҳнаткашлар фаровонлигини янада юксалтириш йўллари ва методлари тўғрисидаги принципиал қоидаларни кўрсатиб берди.

Тугай деб қолган йил якунларини партия билан халқ кўриб, ғоят мамнун бўлмоқдалар. Саноат маҳсулотининг ўсиши планда белгилаб қўйилган 5,8 процент ўрнига 7,3 процентни ташкил этади. Меҳнат унумдорлигини оширишга доир план топшириқлари ортиғи билан бажарилди. Қишлоқ хўжалигида ғоят катта натижалар қўлга киритилди. 222,5 миллион тонна ёки 13,6 миллиард пуд — совет давлати тарихида шу вақтгача олинган ҳосилга қараганда анча кўп галла олинди, пахтадан рекорд ҳосил кўтарилди. Чорвадорлар фермалар маҳсулотининг барча асосий турларини давлатга сотиш йиллик планини бажаришни таъминлаб, чорва туғишн кўпайтирдилар. КПСС XXIV съезди экономика соҳасида бош вазифа, деб белгилаб берган вазифани — меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш вазифасини ҳал этишда анча олдинга силжишга муваффақ бўлинди. Аҳолининг реал даромадларини ошириш плани ортиғи билан бажарилди. 11 миллиондан кўпроқ киши уй-жой шароитларини яхшилаб олди.

1973 йил партия ташкилотлари учун, совет ва хўжалик органлари учун масъулиятли имтиҳон бўлди. Бу имтиҳондан улар ўтиб олдилар, ўтганда ҳам шараф билан ўтдилар. Партиямиз ишининг бош сиёсий якуни мана шундай бўлди. Партиямиз ўз сафларини сафарбар қилибгина қолмасдан, шу билан бирга меҳнаткашлар ташаббусига ҳам бош бўлди, мамлакатда социалистик мусобақани янги поғонага кўтарди. Партия билан халқнинг бирлиги барча муваффақиятларимизнинг калити бўлди.

Беш йиллик учинчи йилининг муваффақиятлари унинг тўртинчи йилида мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши лозим, зеро тўртинчи йил планида тегин ҳам каттароқ кўрсаткичлар белгилаб қўйилган. Ҳозир партия мана шу йўлни қабул қилди, ишчилар синфини, деҳқонларни, зиёлиларни мана шу йўлга бошламоқда. План марраларидан ўзиб кетмоқ ва шу тариқа тўққизинчи беш йиллигимиз тугалловчи йили бўлган 1975 йил вазифаларини бажаришни осонлаштирмоқ учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўриш керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев, биз қилинган ишларнинг натижаларини қонуний равишда фахрланиб якунлаётганимизни ҳамда халқнинг буюк ишларига ва бунёдкорликларига таҳсин ва офаринлар айтаётганлигимизни қайд қилиб, хўжаликка илмий асосда раҳбарлик қилишни янада яхшилаш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Экономикамизда ўсиш проблемалари деб ҳақли равишда номланган проблемалар бор. Камчиликлар ҳам бор, яна ҳам муваффақиятлироқ олға боришга имконият берадиган чора ва тадбирларни ишлаб чиқмоқ учун бу камчиликларни очиқ ва равшан кўра билмоқ керак. Модомики, қишлоқ хўжалигимиз анча мустаҳкамланиб, тобора бақувват нетизга таянаётган экан, энди унга уни интенсивлаштириш вазифалари биринчи ўринга қўйилаверади. КПСС XXIV съездида уқтириб айтилганидек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва янада концентрациялаш, уни замонавий индустриал асосга ўтказиш ва бу вазифани ҳал этишнинг бош йўлларидан биридир. Бу бизга жуда катта имкониятлар беради, бу соҳада фойдали тажриба тўпланган. Эндиликда майда фермалар ва бригадаларда фан ва техниканинг муваффақиятларидан кенг фойдаланиб индустриал методлар қўлланиладиган йирик ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришга қадамба-қадам ўтиш пайти келди. Бу ишда хатоларга йўл қўйиб бўлмайди, албатта. Ишни экономикани яхши билган ҳолда рационал равишда олиб бориш, ўтказилаётган тадбирларнинг ҳамма томонларини ва оқибатларини ҳисобга олиб туриш керак.

Колхозлар ва совхозлар ўзларининг куч ва ғайратларини кооперация қилиш—колхозлараро, совхозлараро корхоналар, шунингдек совхоз-колхоз корхоналари—чорвачилик фермалари ва комплекслари, молларни тўқ тутадиган озуқа ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо қилиш йўлига тобора кенг равишда ўтмоқдалар. Бундай корхоналар ва бирлашмалар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга ёрдам беришгина қолмасдан, шу билан бирга улар катта социал вазифани ҳам ҳал қилишга — колхоз ишлаб чиқаришини умумлаштириш даражасини оширишга, мулкнинг колхоз формаси билан давлат формаси ўртасидаги фарқни йўқотишга ҳам ёрдам бериши лозим. Бу эса партия программасида қўйилган вазифаларнинг биридир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш, ўғитлар ва химикатлар, озуқалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ерларни мелиорация қилиш, қурилиш ишлари, қишлоқнинг энергетикага ўсиб бораётган талабларини қондириш борасида партия амалга ошираётган йўлни бундан буён ҳам изчиллик билан ўтказаверииш зарур.

Саноатимизнинг ҳаммамизни ғоят мамнун қилаётган шақшубҳасиз ютуқларини қайд қилиб ўтиш билан бирга шуни ҳам очиқ ва равшан кўриб туришимиз керакки, биз 1974 йилда тағин ҳам каттароқ кўрсаткичларга эришмоқ учун бутун кучни сафарбар қилишимиз лозим. Халқ хўжалигини ёқилғи, металл, химия маҳсулоти билан, аҳолини эса юқори сифатли моллар билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқ керак.

Планлаштиришни яхшилаш ва план интизомини бузиш ҳолларини, шу жумладан материал-техника билан таъминлашдаги узилишларини, молиявий планларнинг қурилиш материаллари, ускуналар, ёқилғи, хом ашё, будловчи деталлар, металл ажратиб бериш планлари билан уйғунлаштирмаганлигини тугатиш муҳим проблемаларнинг биридир. Демак, кадрларнинг масъулиятини ва план интизомини ошириш, хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларида раҳбарлик даражасини анча юксалтириш, халқ пулининг, айниқса пойқалаш ва қурилиш ишларида авайлаб сарфланишини таъминлаш зарур. Бизнинг ишлаб чиқариш резервларимиз жуда катта. Бу резервлардан омилкорлик билан фойдаланмоқ учун планлаштириш соҳасида, ташкилий, иқтисодий соҳаларда бир қанча чоралар кўриш керак. Бу чоралар эса хўжасизликка ва исрофгарчиликка чек қўйишлари, фан-техника тараққиёти, маҳсулотнинг сифати масалаларига эътиборни кучайтиришлари лозим бўлган хўжалик кадрларининг тафаккурида муайян силжиш вужудга келтиришдан бошланиши керак.

Партия XXIV съездида айтиб ўтилганидек, совет экономикаси ўз тараққиётининг шундай босқичига қадам қўйдики, бу босқичда баъзи янги вазифалар — сифатни белгиловчи омилларга бурилиш, халқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш, техника тараққиётини жадаллаштириш ва бошқа вазифалар биринчи ўринга қўйилади. Биз, ҳеч шубҳасиз, бу йўлда олдинга силжидик, талайгина ютуқларни қўлга киритдик. Бироқ, одат кучи, хўжалик механизмининг етарли равишда пишиқ эмаслиги янги вазифаларни ҳал этиш томон бурилишни баъзан қийинлаштириб қўймоқда. Съезд қарорлари ва ўтган уч йил ичида тўпланган тажриба асосида экономикага раҳбарлик қилиш механизмини такомиллаштирмоқ керак. Бунда гап бошқарув ва планлаштиришнинг самарадорлигини оширишга, бутун хўжалик механизмини яхшилашга қаратилган чора ва тадбирларнинг мукаммал, бутун бир системасини амалга ошириш тўғрисида боради. Бу иш экономикани бошқаришнинг ташкилий структураси, планлаштириш, капитал маблағларни тақсимлаш, иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш системаси ва методларини ўз ичига олади. Вазифа шуки, иқтисодий шароит давлатга нимаики манфаатли бўлса, уни ҳар бир меҳнатчига ва ҳар бир коллективга ҳам манфаатли қиладиган бўлсин: каттарок планни қабул қилишга, ҳамма резервлардан фойдаланишга, мамлакат учун керакли маҳсулот чиқаришга, хом ашё ва материалларни тежашга, меҳнат унумдорлигини оширавериша рағбатлантирадиган бўлсин.

Чинакам партиявий иш услубини, хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларига партиявий ёндашишни қарор топтириш учун тағин ҳам қунт билан курашмоқ керак. Экономикага раҳбарлик қилишга тор хўжалик манфаатлари нуқтаи назаридан, айниқса технократик позициялардан туриб ёндашиб бўлмайди — бу иш партиявий ишдир, сиёсий ишдир. Хўжаликка раҳбарлик қилишда партиявий услубни қарор топтиришга ҳаракат қилиш билан бирга бунга қарама-қарши бўлиб турган нарсаларнинг ҳаммаси билан, аввало бюрократик услуб билан, нодарвий ва маҳаллий манфаатларни кўзлаб, умумдавлат, умумхалқ манфаатларини унутиб қўйиш билан, масъулиятсизлик ва расмиятчилик кўринишлари билан муросасиз кураш олиб бормоқ керак. Партиявий ёндашишни шахсий масъулиятни катъий равишда оширишдан ажратиб бўлмайди, партиявий ёндашиш кадрларга авайлаб муомала қилиш ва ишониш билан уларга нисбатан юксак талабчанликни қўшиб олиб бориш демакдир.

Социалистик мусобақани тўғри ташкил этиш жуда катта аҳамиятга эга, меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда омманинг ташаббускорлигини ривожлантириш социалистик мусобақанинг асосий мақсадидир. Муқобил планлар қабул қилиш синғари мусобақанинг самарали формасига алоҳида эътибор бериш зарур. Яхши ташкил этилган мусобақа меҳнатга ва социалистик мулкка коммунистик муносабатда бўлишни тарбиялашнинг, меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар фақат меҳнатгина ўз фаровонликларининг манбаи бўлиши мумкинлигини, ўзлари учун ишлаётганликларини, совет халқининг турмуш даражасини ошириш суръатлари планларнинг бажарилишига, ижтимоий бойликнинг ўсишига боғлиқ эканлигини яхши биладилар. Буни англаш жонли ишда ўз ифодасини топиши учун, одамлар ўз меҳнатларини ижодкорлик, жонкуярлик, ихтирочилик, ташаббускорлик асосига қуришга интилишлари учун партиявий таъсир ўтказишнинг ҳамма йўлларидан, матбуотимизнинг бутун кучидан, телевидение, радио, оғзаки пропаганда ва агитациянинг бутун кучидан, адабиёт ва санъатнинг барча имкониятларидан фойдаланиш керак. Ишчининг ишлаб чиқаришдаги ролини бундан буён ҳам кучайтира бориш, меҳнат коллективларининг активлигини ривожлантирувчи барча воситалардан фойдаланавериш зарур. Корхоналарни бошқаришда меҳнаткашлар нақадар кенг қатнашсалар, муштарак муваффақият учун ҳар бир кишининг масъулияти шу қадар кўпроқ ҳис этиладиган бўлиб қолади. Социалистик демократизмнинг қудратли резервларини ишга солиш, уларни мамлакатнинг катта ва муҳим вазифаларини ҳал этишга хизмат қилдириш — планларимиз муваффақиятининг асосий гаровидир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитет Пленумида сўзлаган нутқида Сиёсий бюронинг халқаро сиёсат соҳасидаги фаолияти тўғрисида ахборот берди. У партия ва давлатимизнинг КПСС Марказий Комитети апрель Пленумидан кейинги ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятининг энг асосий масалаларини тавсифлаб бериб, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги умуман халқаро сиёсат масалаларида бўлгани каби кейинги воқеалар давомида ҳам ўзини яхши кўрсатганлигини айтиб ўтди. Улар келишиб олган йўл жаҳон социализмининг тинч ҳужумида, халқаро кескинликни юмшатишда, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришда янги муваффақиятлар келтирди.

Европада тинчлик ва халқлар хавфсизлиги фойдасига рўй бераётган ўзгаришлар тобора сезиларли бўлиб қолмоқда, буни хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Умумевропа кенгаши, шунингдек Европадаги қуролли қўшинлар ва қурол яроғларни қисқартириш тўғрисидаги музокаралар, социалистик мамлакатларнинг Ғарбий Европа давлатлари билан муносабатлари ривожланиб бораётганлиги очиқ кўрсатиб турибди.

Совет — Америка муносабатларини ривожлантиришда, аввало бош масалада — уруш хавфини юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш масаласида 1973 йилда анча олдинга силжишга муваффақ бўлинди. Ядро урушининг олдини олиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги битим бу йилда қилинган ишларнинг жуда муҳим якуни бўлди. Бу битим тинчликни мустаҳкамлаш учун тарихий аҳамиятга эга.

Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги самарали, принципиал йўли — араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши олиб бораётган одилона озодлик курашини қўллаб-қувватлаш, прогрессив режимларни қўллаб-қувватлаш, мустаҳкам, адолатли тинчлик ўрнатиш йўли ўзини тўла равишда оқлади.

Мамлакатимиз Осиё қитъасида мустаҳкам тинчликни таъминлаш, Осиёда коллектив хавфсизлик ғояларини амалга ошириш йўлини оғишмай ўтказиб келмоқда. СССРнинг Осиё давлатлари билан алоқалари актив равишда ривожланиб бормоқда. Л. И. Брежневнинг Хиндистонга қилган визити ва Бош министр Индира Ганди билан олиб борган музокаралари Совет — Ҳиндистон дўстона муносабатларининг ривожланиши учун айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Бош министр Индира Ганди билан олиб борилган музокаралар бу муносабатларни ҳар иккала халқ манфаатлари йўлидаги Осиёда ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида тағин ҳам юқори поғонага кўтарди.

КПСС XXIV съезди таклиф қилган Тинчлик программасини амалга ошириш борасида партиямиз ва совет давлатининг кўп қиррали фаолияти планетадаги тинчликсевар кучларга, бутун тараққийпарвар инсониятга кенгдир бўлмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда. Буни касаба союзларининг Варнадаги жаҳон конгресси ва тинчликсевар кучларнинг Москвадаги жаҳон конгресси яққол кўрсатди.

КПСС сиёсий соҳада ҳам, ғоявий соҳада ҳам халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини янада мустаҳкамлаш учун актив курашмоқда. Партия марксизм-ленинизм, пролетариат интернационализми принциплари асосида шу бирликни янада мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Совет халқи КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг коммунизм қуриш учун қулай шароит таъминлаб беришга, тинчликни мустаҳкамлашга, халқлар эркинлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилишга қаратилган, муайян мақсадни кўзлаб актив равишда ўтказиб келаётган фаолиятини қизғин қўллаб-қувватламоқда.

СССР Олий Совети депутатлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларини яқдиллик билан маъқулладилар. Олий ҳокимият органи 1974 йилги халқ хўжалиги планини ва бюджетини муҳокама қилди ва тасдиқлади. Миллий даромаднинг ўсиши 1971 — 1973 йиллардаги ўртача 5,2 процент ўрнига 6,5 процентни ташкил этади, аҳолининг реал даромадлари эса ўша йиллардаги 4,3 процент ўрнига 5 процент кўпаяди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 6,8 процент ошади. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми 100 миллиард сўмдан ошиб кетади, бу эса бу йилги эришилган даражадан 6,4 процент ошиқ бўлади. Мана шуларнинг ҳаммаси Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди.

Партия ташкилотлари, барча коммунистлар энди қонун кучига эга бўлиб қолган халқ хўжалик планини тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ курашига бошчилик қилишлари лозим. Партиямизнинг 380 мингта бошланғич ташкилоти бор. Партиямизда 15 миллион нафарга яқин коммунист бор. Булар жуда катта куч. Партия ташкилотлари барча коммунистлар партия сиёсати учун онгли ва актив курашчи бўлишлари, оммани мафкуравий ва сиёсий тарбиялаш йўлида ҳормай-толмай иш олиб боришлари лозим.

Миллион-миллион меҳнаткашлар оммасининг раҳбари бўлган партиямизнинг обрўйи ғоят катта. Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда уқтириб айтганидек, «партия халқ манфаатлари учун ҳормай-толмай курашиб, коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичига муносиб бўлган ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлилар ўзларининг жонажон ишлари деб қабул қилган тўғри йўлни ишлаб чиқишга муваффақ бўлганлиги, тинчликни мустаҳкамлашда жуда катта ютуқларни қўлга киритганлиги туфайли мана шундай обрў қозонди. Партиянинг юксак обрўйи, — бизнинг энг қимматли ютуғимиздир, ўртоқлар. Биз буни партиямиз халққа фидокорона хизмат қилиб келганлиги ва хизмат қилаётганлигини ифодаловчи ҳаққоний тақдирлаш, деб биламиз. Бугина эмас, шу билан бирга партиянинг обрўйи бизнинг қудратли, ҳақиқатан зафарли қуролимиз ҳамдир, бу қурол жуда кенг оммани жипслаштиришга ва уни мамлакат олдида турган вазифаларни ҳал этиш йўлида сафарбар қилишга оммани умумдавлат манфаатлари учун онгли курашчиларга айлантиришга ёрдам беради».

Бутун партия, бутун халқ КПСС Марказий Комитети Пленумининг ва СССР Олий Совети сессияларининг қарорларини ғоят хурсандлик билан кутиб олдилар. Жонажон партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган Совет Иттифоқи меҳнаткашлари мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш программасини, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик йўлидаги кураш программасини муваффақиятли амалга оширмоқ учун бутун кучларини сарфлайдилар.

1973 йил 16 декабрдаги «Бош мақола.



Мўйноқ консерва заводи ишчилари янги йилга муносиб тўҳфа билан келмоқдалар. Аҳолига қўлида сифатли консерва маҳсулотлари етказиб бермоқдалар: Суратда: СССР Олий Советининг депутати, корхона коммунистик меҳнат зарбдори Бибигул Кожахметова. А. Палехов фотоси.



Намангандаги абрли шойи газламалар комбинатининг кўплаб ишчилари шу кунларда 1974 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Тўқувчи Баҳодир Худойбердиев ҳам ана шундай ишчилардан, коммунистик меҳнат зарбдори. Меҳнатсевар ишчи ҳозир 1975 йил ҳисобига иш бажармоқда. Суратда: тўқувчи Баҳодир Худойбердиев иш устида.

В. Сироткин фотоси.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ!

Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг коллективлари маҳсулотни реализация қилиш юзасидан 1973 йилги давлат планини бажардилар. Министрликка қарашли корхоналар социалистик мажбуриятларни бажара бориб, йил охиригача пландан ташқари 7,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Товар маҳсулот ўсишининг қарийб тўртдан уч қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш билан эришилди.

Министрликка қарашли корхоналарнинг коллективлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, янги оширилган мажбуриятлар олдилар. Улар республиканинг олтин юбилейи байрамигача умуман министрлик бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан тўққизинчи беш йиллик 4 йиллик планини бажаришга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

МУНОСИБ ҲИССА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақага қўшилган республика Маҳаллий саноат министрлиги корхоналарининг коллективлари реализация қилинадиган маҳсулот ҳажми бўйича йиллик планини муддатидан илгари, 17 декабрда бажардилар. Самарқанд, Андижон, Бухоро, Тошкент, Фарғона область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармалари шу муваффақиятга айниқса катта ҳисса қўшдилар.

Министрликка қарашли корхоналар йил охиригача планга қўшимча равишда 9 миллион сўмликдан кўпроқ ҳар хил моллларни реализация қиладилар.

(ЎзТАГ).

ЎН МИЛЛИОН ДОНА

Гулистон насли паррандачилик совхозининг паррандабоқарлари янги оширилган мажбурият ҳисобига тухум топшира бошладилар. Совхоз паррандабоқарларининг давлатга пландан ташқари тўрт миллион дона кўп — ўн миллион дона тухум сотишдан иборат дастлабки мажбуриятлари муддатидан олдин бажарилди. Гулистонликлар йил охирига қадар яна санкиш юз минг дона тухум олишга ва товуқларнинг маҳсулдорлигини хўжалик учун рекорд даражага етказишга аҳд қилдилар. Улар ҳар бир товуқдан 225 донадан тухум олишни мўлжалламоқдалар.

Совхознинг қуввати ортиб бормоқда. Совхоз шу беш йиллнкда бостириладиган тухум ва парранда гўшти етиштирувчи Ўзбекистондаги энг йирик хўжалик бўлиб қолади. Ҳозир бу ерда катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Хўжаликда беш йиллигининг тўртинчи йили марралари белгиланмоқда. Беш йиллик режасини барча кўрсаткичлар бўйича келаси йилдаёқ бажарилишини таъминлаш паррандабоқарларнинг асосий мажбуриятидир.

УНУМДОРЛИК РЕЙСЛАРИ

Пахтаобод районидаги «Москва» колхозида комсомол ва ёшлардан механизациялашган «унумдорлик отряди» тузилди. Ҳар куни 20 та трактор прицеп аравасида 300 тоннадан органик ўғит далага чиқарилиб турибди. Отряддаги тўрт группа механизаторларнинг ҳар бир группасига участка биркитиб қўйилди.

Комсомол аъзоси Қамчибек Қўчқоров бошчилигидаги группа далага ўғит чиқаришда пешқадамлик қилмоқда. Деҳқонлар ўн кун ичида ҳар куни далага олти рейсдан қатнаб 750 тонна чиритилган чиқардилар.

Андижон области хўжаликларининг унумдорлик отрядлари далаларга 700 минг тоннача органик ўғит чиқарамиз, деган вазифани ўз олдиларига қўйдилар.

ИНСТИТУТНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг ҳаётида катта воқеа нишонланди — бу олий ўқув юрти очилганига 25 йил тўлди.

Институт ташкил этилганидан бери ўн мингга яқин мутахассис тайёрлаб берди. Бу мутахассисларнинг деярли ҳаммаси мактабларда муваффақиятли ишлаб, болаларга инглиз, француз ва немис тилларини ўргатмоқдалар. Тошкент чет тиллар институтини битириб чиққан мутахассисларнинг кўплари чет мамлакатларда Советлар мамлакатининг муносиб вакили бўлиб ишлаб турибдилар.

Ҳозирги вақтда институтда олти минг студент ўқимоқда. Унинг кафедраларида 430 нафар ўқитувчи, шу жумладан юз нафар фан кандидатлари ва докторлари иш олиб бормоқда. Ўқитишнинг техникавий воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Институт ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланиб 17 декабрда Тошкентдаги «Билимлар» уйида тантанали мажлис ўтказилди. Институт ректори профессор Т. Ж. Жўраев институтнинг босиб ўтган йўли тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Мажлисда бу олий ўқув юрти юбилейини табриклаб юборилган жуда кўп ҳутлов телеграммалари ва хатлар ўқиб эшиттирилди. (ЎзТАГ).

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети олтинчи сессияси шу йил 20 декабрда кундуз соат 14 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари 19 декабрда эрталаб соат 10 дан 14 гача ва 15 дан 19 гача, 20 декабрда соат 12 дан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Мажлислар залида рўйхатга олинади.

ЧЎЛ ЧЕКИНМОҒИ УЧУН

Бутуниттифоқ «Союзгипролесхоз» лойиҳа-қидирув институтининг Ўрта Осиё филиалида Қизилқум билан чегарадош Элликкалъа массивидаги кўчма қумларни мустаҳкамлаш схемаси ишлаб чиқилди.

Бундан неча юз йиллар аввал шу массивнинг унумдор ерлари суғориларди, сув қуригач далани қум босди. 2000 гектардан зиёд майдонни эгаллаган мана шу участкаларда дарахтзорлар барпо этишга қарор қилинди. Ҳозир бу ерда саксовул уруғлари сепилмоқда. Саксовул илдизи намлик излаб 20 метргача чуқурликка тушади ва қум тепаларни ерга «ёпиштириб қўяди».

Канал ўтказиладиган зонада қумни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Бу ерда шамол ҳар погон метр оралатиб йилига 40 куб метрдан зиёд қум олиб ўтади. Қум босишига йўл қўймаслик учун канал қуриш билан бир маҳалда унинг қумлоқ соҳиллари мустаҳкамланиб бормоқда. Каналнинг ҳар икки ёқасида шамол келадиган икки томондан эни 300 метрга борадиган, шамол ўтадиган томондан эса эни 100 метрга борадиган ихота дарахтзорлари барпо қилинмоқда. Шоҳ ёки қамиш боғларидан ғовлар қўйилмоқда, қум устига қамиш боғламлари ёпилмоқда. Орадан бир неча йил ўтгач ихота дарахтзорлари ораси қалин ўрмонга айланади ва канални тўсади.

Механизациялашган отрядлар далаларни қумдан тозаламоқда. Ўн минг гектардан зиёд қўриқ ер ўзлаштирилади. Карталарнинг чеккаларидаги ихота дарахтзорлари эса гармсел ва қум йўлини тўсади. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИДА

ШАҲАР ТРАНСПОРТИНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрининг транспорти бу йил ярим миллиард пассажирни ташиди. Шаҳар партия-хўжалик активининг 15 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида КПСС XXIV съезди қарорлари асосида аҳолига транспорт хизматини янада яхшилаш чоралари муҳокама қилинади. Йиғилишда шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари - пассажир транспортининг барча ходимларига мурожаат қабул қилдилар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига 1974 йил планига қўшимча равишда автобусларда уч миллион пассажир, электр транспортда бир миллиондан ортиқ кишини ташиш мажбурияти олинди. Янги маршрутлар фойдаланиш учун топширилади, трамвай, автобус ва таксомотор парклари ишга туширилади. Тошкент метрополитени қурилиши тез суръатлар билан давом эттирилмоқда. Бу метрополитеннинг уч станциясини республиканинг олтин юбилейига қадар битказиш мўлжалланди.

АТЕИСТЛАР ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР

Наманган область партия комитети уюштирган область семинари илмий-атеистик пропагандани янада яхшилашга бағишланди. Область партия комитетининг секретари Т. Рўзибоев КПСС XXIV съезди қарорлари асосида аҳолини атеистик тарбиялашни кучайтириш тўғрисида доклад қилди. Семинарда янги урф-одатлар ва маросимларни расм этиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Семинар қатнашчилари атеистик пропаганда тажрибасини ўртоқлашдилар.

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ УЧУН ЛЕКТОРИЙ

Тошкент шаҳар партия комитетида Ўзбекистон пойтахтидаги идеология ходимлари учун доимий лекторий очилди. Биринчи лекция КПСС XXIV съезди қарорлари асосида коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида партия идеология иши вазифаларига бағишланди.

Лекторий программасида КПСС-нинг ташқи-сиёсий фаолияти, меҳнаткашларни интернационал ва ҳуқуқий тарбиялаш масалалари бор. Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг ўтган 50 йил мобайнидаги ривожи тўғрисида туркум лекциялар ўқиладн.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАРДАН ЎРГАНИБ

Тошкент тўқимачилик комбинатидаги учинчи фабрика йигирувчилари бригадасининг бошлиғи Таня Мордвинцева бундай деди:

Бизда ускуналар бекор туриб қолмайди. Прогулларни аллақачон унутиб юборганмиз. Кадрларнинг қўнимсизлиги ҳам тугатилганига кўп вақт бўлди. Аҳил яшаб, аҳил ишламоқдамиз. Бироқ тезкорлик билан ишлаш усулларини ҳамма баб-баравар эгаллаб олди, деб бўлмайди...

Шу усулларни орқада қолаётганларга қандай қилиб ўргатиш проблемаси комсомол-ёшлар бригадасининг муқобил планини муҳокама қилишда асосий ўринни олди. Қизларнинг кўпчилиги фабрикада ишлай бошлаганига бир-икки йилдан ошгани йўқ. Лекин улар ҳам йигирув машиналарининг олти томони ўрнига етти-саккиз томонига хизмат кўрсатадиган бўлиб қолдилар. Ўрта ҳисобда нормадаги 1167 эмас, балки 1344 урчуқ билан ишламоқдалар. Қизларимиз тезкорлик билан ишлаш усулини энг яхши йигирувчилардан ўрганиб олишга ва янги йилдан бошлаб йигирув машиналарининг яна бир томонини олишга қарор қилдилар. Шу туфайли қўшимча равишда тўртта йигирув машинасини ишга солиш мумкин бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам муқобил планга: йиллик планни 15 ноябрда бажарамиз, комсомолнинг XVII съезди очилишига атаб пландан ташқари 4 тонна калава ип берамиз, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги байрамига қўшимча равишда 12 тонна калава ип берамиз. Шу билан бирга маҳсулотнинг 99,7 процентини биринчи навга топширамиз» деб ёзиб қўйилди.

Яна бир нарсани айтиб ўтиш керак. Бригадада янги келган қизларга коллектив бўлиб иш ўргатиш одати бор. Бунинг учун ҳар бир бўш минутдан фойдаланилади. Ҳеч ким фақат ўзинигина ўйламайди. «Сафдошларимизнинг ҳеч бири орқада қолмасин!» деган шиор комсомол шиори эканини ҳамма яхши билади. Шунинг учун ҳам илғорлар қўшни комплектга, Люба Хегай бригадасига тез-тез назар солиб турадиган бўлдилар, шу бригада аъзоларига тезкорлик билан ишлаш ва машиналарни парвариш қилиш усулини ўргатишга киришдилар. Муқобил планда: «Люда Хегай бригадасининг илғорлар сафига ўтиб олишига ёрдамлашамиз» деган сатрлар пайдо бўлди.


Тошкент область комсомол комитети Таня Мордвинцеванинг коммунистик меҳнат бригадасини биринчи беш йилликларнинг қаҳрамонлари номидаги кўчма Қизил байроқ билан мукофотлади. Қизлар бу байроқни қўлдан бермасликка жазм қилиб қўйдилар. Улар комбинатнинг барча комсомолларини муқобил планлар қабул қилишга даъват этдилар. Бу ташаббус кенг ёйилмоқда. (ЎзТАГ).



Юқоридаги суратда Самарқанддаги 26 Баку комиссарлари номли шойи тўқув фабрикаси фидокор ишчиси Е. Люсинани кўриб турибсиз. Бу ишчан аёл смена топшириқларини доимо бир ярим баравардан бажаришга муваффақ бўлмоқда. У фабрика коллективининг тўққизинчи беш йиллик ҳал қилувчи йилини муваффақиятли якунлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Пастдаги суратда эса, Олмалиқ кимё заводининг иккинчи навбати ишга топширилган Аммофос ўғити ишлаб чиқарувчи гигант кимё корхонасининг забардаст бунёдкорлари иккинчи навбат ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун ғайрат кўрсатмоқдалар.

А. Кузьменко (ЎзТАГ) ва И. Глауберзон фотолари.

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ



МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Халқимизнинг турмуш маданиятини янада яхшилаш, уларга маданий-маиший шароитлар яратиб бериш, янги-янги маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, жамоат марказлари бунёд этишда «Ремточмех» комбинатининг аҳил коллективи ҳам ибратли ишлар қилмоқда.

Комбинат меҳнатсеварлари аҳолига намунали хизмат кўрсатиш бўйича тўққизинчи беш йилликнинг уч йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари адо этдилар. Улар йил охиригача тағин 180 минг сўмлик иш бажариш мажбуриятини олишди.

Уч йиллик планнинг барвақт бажарилишида 520 нафардан ортиқ ремонтчининг ҳиссаси катта бўлди. 55 қабул пунктида ҳар куни ремонталаб холодильник, соат, кир ювиш машиналари, фото, кино аппаратлари, ёзув машиналари тахт қилиб берилаётир.

Комбинат ўтган бир ой ичида 2 миллион 99 минг ўрнига 2 миллион 130 минг сўмлик иш бажарди. Бунда Ҳамид Усмонов, Николай Баришов, Вали Солихов, Саодат Алиева, Володя Папенко каби ишбилармон усталарнинг салмоқли улуши бор. Бу азаматлар кунлик топшириқларини доимо ошириб бажаришга эришмоқдалар.

Маданий-маиший хизматга аҳоли талаби ўсиб бораётганлиги муносабати билан яқинда ЦУМ ёнида марказлаштирилган маиший устахона очилди. 1975 йилдан бошлаб Ново-Полтаракий кўчасида янги завод қад кўтаради. «Ремточмех» комбинати эса шу ерга кўчиб ўтади. Унинг қуввати йилига 5 миллион сўмлик иш бажарадиган даражага етади. Комбинат ишчилари янги йилдан бошлаб электр бритвалари, соат, (будильник)ларни алмаштириш хизматини, холодильник ва бошқа асбобларни прокатга беришни ҳам йўлга қўядилар.

Ф. ИСАЕВ,
И. РУСТАМОВ.

ИШЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

МАРҲАМАТ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Ҳисобот даврида район пахтачилик тараққиётининг ойдин йўлига чиқди. Ҳосилдорлик ортди. Пахта кўпайди. Уч йилда мамлакатга плондан ташқари 15 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Айниқса бу йил меҳнатда катта ғалабаларга эришилди. Район пахтакорлари она-Ватанга 41 минг 245 тонна дурдона топшириб, социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этдилар. Бу, 1970 йилдагига нисбатан 7,3 минг тонна кўп.

Бу ютуқлар район коммунистларининг авангардлиги, меҳнат аҳлининг фидокорлиги ҳамда партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорларга кўрсатаётган жуда катта моддий-маънавий ёрдами натижасида қўлга киритилди.

Ильич номли, «Пахтакор», Куйбишев номли, «Комсомол 50 йиллиги», «Октябрь 50 йиллиги» колхозларида ҳосилдорлик уч йилда гектар бошига 9,6 центнер кўпайди. Районда 4-5 та бригада ҳар гектар ердан 40-45 центнердан хирмон кўтарди. 76 та бригадада эса ҳосилдорлик 30-35 центнерни ташкил этди.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари пахтачиликни, айниқса пахта йиғим-теримини комплекс механизациялашга эътиборни кучайтирдилар. Коммунистлар бу ишни ўз оталикларига олдилар. Мана натижа: 1970 йилда район бўйича жами ҳосилнинг 26 процентя машиналарда териб олинган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 51 процентга етди. Ильич номли, «Пахтакор» колхозларида ҳосилнинг 65 процентя, «Октябрь 50 йиллиги» колхозида эса 58 процентя механизмлар ёрдамида териб олинди.

Район партия конференциясида райкомнинг биринчи секретари А. Йўлдошев ҳисобот доклади қилиб, шу масалага кенг тўхталиб ўтди. Ҳисобот даврида район хўжаликларида даромад ҳам кўпайди. Районда бу йил фақат пахтачиликнинг ўзидан 18 миллион 930 минг сўм даромад олинди. Бу плондагига қараганда 3,7 миллион сўм кўпдир.

Ҳисобот даврида районда пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик, паллачилик ҳам кескин ривожланди. Уч йилдирки, чорвачилик фойдали тармоққа айланди.

Район партия ташкилоти хўжалик вазифаларини бажаришни ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишлар билан боғлаб олиб борди. Район партия ташкилоти сон жиҳатдан ўсди, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бошланғич партия ташкилотларининг сони ҳисобот даврида 64 тага, цех партия ташкилотлари эса 146 тадан 162 тага етди.

Ҳисобот даврида кадрларни танлаш ва тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйишга эътибор кучайди. Райкомнинг бюро мажлислари, пленумлари ўз вақтида юқсак савияда ўтказилди. қарорларнинг ижроси учун курашилди. Энг муҳими — партия ҳужжатларини алмаштириш партия ташкилотларининг жанговарлигини, коммунистларнинг ташаббускорлиги, голвийлиги ва интизомини янада ошириш белгиси остида ўтказилмоқда. Район партия ташкилоти ишида ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бор. Конференцияда бу ҳақда жиддий гаплар айтилди. музокарага чиққан делегатлар иш юзасидан ўзларининг таниқидий фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Деярли барча делегатлар пахтачиликда фойдаланилмаётган резервлар тўғрисида алоҳида тўхталдилар. Колхозлардаги 31 та пахтачилик бригадаси район кўрсаткичидан кам ҳосил олди. Агар барча бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 35 центнерданга етказилганда районда ялпи ҳосилни йилига 45 минг тоннага етказиш имконияти вужудга келарди.

Айрим хўжаликларда пахта ҳосилдорлиги кўпайиш ўрнига камайиб боряпти. Свердлов номли колхоз 1971 йилда ҳар гектар ердан 34 центнердан пахта олган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 33,3 центнерга тушиб қолди. Калинин номли колхозда 31,6 центнер ўрнига 29,7 центнердан пахта топширилди. Бунинг асосий сабаби бошланғич партия ташкилотларининг кадрларга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборганлиги, қарорлар ижросига эришиш учун мунтазам кураш олиб бормаётганлиги, коммунистларнинг ташкилотчилик роли сусайиб кетганлигидадир.

Жамоат чорвачилигидан зарар кўраётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Районда йирик қорамоллар ва қўйлар бош сони ошмаяпти. Масалан, уч йилда сигирлар атиги 215 та, қўйлар эса мингта кўпайди, холос. Буни нормал ҳол деб бўлмайди. Район хўжаликларида қишга етарли миқдорда ем-хашак тайёрланмади. Бу катта ташвиш тўғдирмоқда.

Шунингдек, партия ва комсомол ўқувини ташкил этиш, меҳнаткашларга иқтисодий билим бериш, лекция пропагандаси, қишлоққа медицина, савдо, алоқа ва маданий-маиший хизмат кўрсатишда ҳам жиддий камчиликлар бор.

Докладчи ва сўзга чиққан делегатлар йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезроқ бартараф этиш, пахта ҳосилдорлигини янада ошириш, чорвачилик, паллачилик, деҳончилик, сабзавотчилик ва бошқа соҳаларни янада юксалтириш юзасидан фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Мўминжон САИДОВ — «Пахтакор» колхози партия ташкилотининг секретари: биз 1253 гектар майдонда деҳончилик қилиб, ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта олдик. Пахтани бундан ҳам кўпайтириш учун имкониятларимиз бор. Асака адиридан бизга ҳам ер берилса яхши бўларди. Ўзлаштириб пахта экардик. Бундан ташқари ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлашимиз керак. Чунки, шу ҳисобга ҳам ҳосилдорликни ошириш мумкин. Бу ишларни амалга оширишда район партия, совет ташкилотларининг ёрдамига муҳтожмиз.

Аҳмаджон МАҲКАМОВ — Ильич номли колхоз раиси: Хўжалигимиз уч йил давомида давлатга 22845 тонна пахта берди. Бу, плондагидан анча кўп. Ҳосилдорлик ҳам ошди. Масалан, 1970 йилда гектаридан 27,3 центнердан пахта олинган бўлса, бу йил 36,8 центнерга етди. 1971 йилда ялпи ҳосилнинг 40 процяти, 1973 йилда 68 процяти машиналарда териб олинди. Бироқ ҳали фойдаланилмай турган резервларимиз кўп. Адир муаммоси ана шу резервлардан бири. Калинин адирида 100 гектар еримиз бор. Бу ерда сувни кўпайтирсак, мўл ҳосил олишимиз аниқ. Шунинг учун шу ерга насос ўрнатишда райкомдан ёрдам сўраймиз. Булардан ташқари Полвонтош адиридан 400 гектар ер очиш учун имконият бор. Фақат техника ва насос керак. Колхозимиз уч йилда коллектор тозалашга 100 минг сўм сарфлади. Бошқа хўжаликларда бу иш давлат ҳисобига бажарилмоқда. Бизда ҳам шундай бўлишини истардик.

Обиджон АКБАРОВ — «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг механизатори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати: 14 йилдан бери бригадирман. Бригадамизда ҳосилдорлик йил сайин ортиб боряпти. 1971 йилда гектаридан 36 центнер, 1972 йилда — 40 центнер, 1973 йилда эса — 45 центнердан хирмон кўтардик. Ҳар бир центнер пахтанинг таннархи 15,5 сўмга тўғри келди. Бригадамизда ҳар бир ишловчи ҳисобига 30 тоннадан пахта етиштирдик. Пахта йиғим-терими тўла механизациялашди. Ўзим 1948 йилдан бери машинада пахта тераман. Бу йил агрегат бункеридан 1000 тонна дур тўкдим.

Музокарага сўзга чиққан делегатлар ташкилий-партиявий ва оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилаш, партиявий ишни самарадорлигини ошириш, коммунистларнинг ташкилотчилик ва авангардлик ролини кучайтириш ҳақида конкрет таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар. Делегатлар Асакаадир насос станцияси қурилишини тезлаштириш, Туямўйин массивини ўзлаштиришни жадаллаштириш, Қорабағир насос станцияси қурилишини бошлаб юбориш, Каркидон, «Бешкапа», «Оқшувоқ» каналларини бетонлаштиришга киришиш, ер ости сувларини қочириш учун вертикал қудуқлар ва зовурлар қазиш ҳақида гапирдилар. Улар республикамизнинг яқинлашиб келаётган шонли 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш режалари ҳақида яхши гаплар айтишди.

Конференцияда район партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги состави ҳамда область партия конференциясига делегатлар сайланди.

Район партия комитетининг ташкилий пленумида райкомнинг биринчи секретари қилиб **А. Йўлдошев**, секретарлари этиб, **А. Холдоров** ва **Н. Котова** ўртоқлар сайландилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИНОБАТ

ОЧЕРК

Уша куни тонг отгунча унинг уйида чироқ ўчмади. «Средазирсовхозстрой»да бўлган суҳбат барча тафсилотлари билан қайта-қайта кўз ўнгида гавдаланди...

— Гап шундай, ўртоқ Инобат Охунова, чўлда ишлаб анча тажриба орттирдингиз. Чўлнинг феълини биласиз, техниканн биласиз, одамлар қалбига йўл топа оласиз. Шуларнинг барини назарда тутиб, сизга янги иш таклиф қиламиз...

Унинг қўлига буйруқ билан бирга совхознинг бош планини ҳам тутқазишди. Бир парча қоғозда узунаси ўн етти километр, эни ўн километр келадиган совхоз территорияси тахта-тахта қилиб ажратилиб, қаерда нима барпо этилиши махсус белгилар билан кўрсатилиб қўйилипти.

Шу қоғозга тикилаверганидан ҳар бир нуқтасигача ёд бўлиб кетди Инобатга. Саккиз бўлимдан иборат йирик хўжалик барпо этилиши керак. Бу хўжаликда етти минг гектар ерга пахта экилади. Тўртта ишлаб чиқариш хўжалик маркази, 46 дала шийпони, ҳамма қулайликлари мавжуд бўлган ишчилар шаҳарчаси барпо этилади. Боғча, мактаб ва шифохона, ҳаммом, кирхоналар ҳудди шаҳардагидек бўлади. Совхознинг ўз пахта пункти ва пахта тозалаш заводи бўлади. Совхозга бориладиган йўл қурилишига 500 минг сўм ажратилган.

Эҳ-ҳе, булар бари ҳозир мана шу бир парча қоғозда, холос.

Сокин тун. Инобат ширин ўйлар оғушида болаларн тепасига келди, уччаловн ширин уйқуда. Кичик қизи Шоҳистә устини очиб ташлабди. Секин кўрпани ёпди ва ҳаёлга толди. Уччалови ҳам чўл фарзанди — чўлда туғилиб, чўлда ўсишяпти. Умуман, тақдири чўл билан чамбарчас боғланиб кетди, унинг. Ҳаммаси комсомол йўлланмаси билан чўлга келган кунидан бошланди.

Қийинчиликлар ҳам кўп бўлди, меҳнат келтирган бахтдан балқиб, яйраб-яшнаган чоқлари ҳам кўп бўлди. Совхоз директори Саттор Усмонов ота бўлиб бошини силади, йўл-йўриқ берди. «Яхшиси, эрта билан бориб Саттор ака билан маслаҳатлашамани, — дилига тугиб қўйди Инобат.

Эрта билан болаларини боғчага қўйиб, совхоз идорасига йўл олди.

— Э-э, Инобат, кел қизим, кел, очиқ чеҳра билан кутиб олди уни директор, — Ишлар қалай?

— Ҳайронман... — елка қисди Инобат. — Мижжа қоқмадим...

— Жуда соз!

— Нима жуда соз! Ҳайронлигимни ё мижжа қоқмаганим? — таажжуб билан сўради Инобат.

— Мижжа қоқмаганинг. Шундай катта масъулият елкангга тушгандан кейин ўйлайсан-да. Масъулиятни ҳис қиласан-ки, ухлай олмайсан. Ўйлаганинг, мижжа қоқмаганинг яхши. Ҳали кўп бўлади бундай кечалар...

Чўл одамнинг сарасини сарага, пучагини пучакка дарҳол ажратади-қўяди. Инобат бунақа воқеаларга бир неча бор шоҳид бўлган. Эрта баҳор чўл ажиб чирой касб этади. Нигоҳингиз етган ерга-ча гўё яшил гилам тўшалган. Турналарнинг «қур-қурлаб аргимчоқ солиб ўтиши қанчалар гаштли!

Лекин бу узоқ давом этмайди. Июнга бориб кун қизийди, гўё қизиган тандир ёнида тургандек ҳис қиласан, ўзингни.

Беш инженер Бобожон Қорабаев Ильич район «Узсельхозтехника» бирлашмасида инженер бўлиб ишлаган, тажриба орттирган. Бош инженер-ирригатор Ким Сун Чер ҳам билимдон, ўз ишини севган йигит. Вафиқ Жалилов 1- бўлим агрономи, Аҳмаджон Элмуродов — бош бухгалтер. Бу ёш коллективнинг энг ёши улуғи — 1- бўлим бошқарувчиси Маъмур Маҳмудов 43 ёшда. У тажрибали пахтакор. Ильич районидаги 7- совхозда ишлаб юрганида Ленин ордени билан тақдирланган. Гараж мудири Тимофей Кан техникани қабул қилиб олишга киришди. Бир ой ичида сув ва бензин ташийдиган икки машина, ўн трактор, 40 тележка ва ҳоказоларни қабул қилиб олди.

Январнинг қаҳратон совуқ кунларидан бирида мутахассислар бўлажак совхоз ерларини биринчи бор ўз кўзлари билан кўрдилар. Уларни ҳудди шу кундан иш бошлашди, деса бўлади...

* * *

Чўлга баҳор келди. Баҳор билан бирга чўлга қурувчилар келишди. Бир чеккадан ер планировкаси бошланди. Иккинчи томонда кўчма колонна ишчилари лоток ўрнини текислаб, устун ва лоток ташлаб кетаверишди. Совхозда эса уруғ ва ўғитлар қабул қилиниб, трактурчилар тайинланиб, ким қайси участкада ишлаши белгиланаверди. Бу орада Инобат райкомга борди, тегишли ташкилотлар билан сўзлашиб, уй-жой қурилиши муддатини аниқлади — йил охиригача 20 уй, 17 шийпон, «Хушхабарлар, жўралар, шона тугипти гўзамиз».

«Эртага саккиз онла янги уйга кўчиб кирадн».

«15 сентябрь — ҳамма пахта теримига!».

Худди шундай бўлди. Совхоздаги барча агрегатлар теримга тушди. Вазифа — давлатга пахта топшириш планини беш кун ичида бажариш!

Совхознинг иккинчи бўлимида иш яхши йўлга қўйилган эди. Бўлим бошлиғи Омонгелди Болиевдан коллективнинг кўнгли тўқ. У тажрибали мўлқувар. Илгари — 6-совхозда бригадир бўлиб ишлаб, гектаридан 36 центнердан ҳосил олиб келган. Меҳнат Қинини беш кун ичида муваффақиятли бажарди. Давлатга 900 тонна ўрнига 1957 тонна пахта топшириб, планни 217 процентга, машинада пахта териш планини эса 300 процентга етказди. Шу кунгача ҳали ҳеч ким янги ўзлаштирилган ердан биринчи йили шунча ҳосил олган эмасди. Кўпинча янги совхозлар биринчи йилларда фойда кўрмайди. Шунинг учун ҳам илк йиллар кўриладиган моддий зарар ҳам планлаштирилади. Бу совхозда биринчи йили 125 минг сўм зарар кўриш планлаштирилган эди. Аммо коллектив 700 минг соф даромад олди.

— Бунга қандай эришдингиз?

Бу саволга совхоз директори ва бош мутахассисларнинг жавоби бир жойдан чиқди:

— Меҳнатнинг яхши ташкил этилиши ва интизом туфайли!

Бош мутахассислар яхши таклиф киритишдн. Механизациялашган кўчма колонна келиб кўчат экиб беради, деб кутиб ўтиришмайди. Совхоз ишчилари ўзлари экишади. Шундай қилишса, маблағ ҳам четга кетмайди, совхоз ишчиларининг чўнтагига тушади. Ўзинг экган дарахтнинг ҳосилини олишга етар гашт йўқ.

Совхоз директори шуларнинг ҳаммаси ҳақида бош қотиради. Совхоз директорининг вазифасига нималар киради ўзи? Унинг ҳамма ва ҳар нима билан иши бор. Лекин етишмайди. Уни зудлик билан топиб келиш керак. Акс ҳолда шудгор оқсаб қолади. Қурувчилар уйини уч ойдан бери битказмаяпти. Тиклаб қўйишган-у, парда-ғандоз ишлари чўзилиб кетди. Қачонгача одамлар вагонда яшайди?! «Голодностепстрой» бошлиғи ўртоқ Боймиров билан гаплашиш керак. Бу ишни тезлаштирмаса бўлмайди.

Дала шийпони қурилишини ҳам тезлатишни талаб қилиш керак. Ахир, чақалоқ йигламаса, она сут бермайди, дейишади-ку. 1974 йилда яна беш бўлим очилади. Кадр танлаш, уларни жойлаштириш керак. 1974 йил режаларини, бригадалараро социалистик мусобақа шартларини ишлаб чиқиш керак. Унинг ҳар куни, ҳар соати салмоқли ва суръатли. Шоирнинг:

Кунларнинг мазмуни
қуюқлашадир,
Юкланган вазифа ундан ҳам...

каби сатрларини Инобат Охунованинг ҳаёти, Сирдарё областининг Мирзачўл районида бунёд бўлаётган янги 22-а совхози коллективи ҳаётида қнёс қилса бўлади.

Дарвоқе:

Ҳеч қандай бир қўрғон
бормикан,
Коммунистлар қўлга олмаган

Холида АҲРОРОВА.

ЖУРНАЛИСТЛАР СЕМИНАРИ

САМАРҚАНД. Район ва шаҳар газеталари ходимлари — журналистларнинг вонал ижодий семинари уч кун давом қилди. СССР Журналистлар союзи правлениеси секретариати билан Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси ташкил этган бу семинарда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон матбуот ходимлари қатнашдилар.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида журналистларнинг вазифалари, газета саҳифаларида маданий-маиший масалаларнинг ёритилиши муҳокама қилинди. Журналистлар тажриба алмашдилар. Самарқандниинг ҳаёти ва диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Булунғур райондаги «Октябрь» колхозига бориб келдилар. (ЎзТАГ).

Планетамизда




Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚЛАРИ ВА ДОКЛАДЛАРИ ТЎПЛАМИ НАШР ҚИЛИНДИ

ДЕҲЛИ, 17 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев танланган нутқлари ва докладлари тўпламини «Пиплз паблишинг хауэ» нашриёти «Л. И. Брежнев: буюк мақсадга бағишланган ҳаёт ва фаолият» деган ном билан инглиз тилида кўп нусхада нашр қилди. Бу китобда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Совети қўшма тантанали мажлисида Л. И. Брежневнинг нутқлари киритилган. Брежневнинг нутқлари докладлари, КПСС XXIV съездига КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади, Л. И. Брежневга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти топшириш вақтида сўзлаган нутқ, тинчликсевар кучларнинг Москвада ўтказилган жаҳон конгрессида сўзлаган нутқ ва бошқа нутқлар киритилган.

Тўпламдаги биографик очеркда Л. И. Брежневнинг бутун ҳаёти ер юзида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасида дўстона яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатиш проблемаларига ҳамиша аътибор бериб келаётганлигини кўрсатувчи далил бўлиб хизмат қилиши таъкидланади.

Л. И. Брежнев нутқлари ва докладлари тўплами Деҳли, Калкутта ва Ҳиндистоннинг бошқа шаҳарларидаги китоб магазинларида сотила бошланди.



Польша Халқ Республикасининг партия ва ҳукумати аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга катта аҳамият бермоқда. Мамлакатда 200 га яқин озиқ-овқат саноати корхоналари қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Суратда: мамлакатда энг йирик қанд заводи қурилишида. Завод ишга тушган, кунига 5280 тонна қанд лавлагини қайта ишлаб бера олади. ЦАФ-ТАСС фотоси.

- **ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРНИ АКС ЭТТИРУВЧИ ҲАЁТИЙ ЛЕНТАЛАР.**
- **КОНФЕРЕНЦИЯДА СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ ТЎҒРИСИДА МАХСУС ДОКЛАД.**
- **УРУШ ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ.**
- **ХАЛҚАРО КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ УЧУН.**
- **ТЕЛЬ-АВИВНИНГ АГРЕССИВ СИЕСАТИ ҚОРАЛАНМОҚДА.**
- **ҲАРБИЙ ХУНТАНИНГ БЕБОШЛИГИГА ҚАРШИ.**

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ЙЎЛИДА

Бутун совет халқи, жаҳон жамоатчилиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон Республикасига қилган расмий дўстона визити якунларини қизғин маъқулламоқда. Марказий телевидение ва «Интервидение» системаси орқали 15 декабрда кўрсатилган ҳужжатли фильм шу воқеага бағишланган эди.

Янги фильм Леонид Ильич Брежнев визитининг муҳим халқаро аҳамиятга эга эканлигини, унинг тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик ишига шахсан қўшган ҳиссасини равшан кўрсатиб беради. Фильмда Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон Бош министри И. Ганди билан суҳбатлари ва музокаралари, дўст мамлакатнинг давлат ва сиёсий арбоблари билан, жамоатчилик намояндалари билан учрашувлари кўрсатилган. Ҳиндистон гражданларининг Совет Иттифоқидан келган меҳмонни самимий ва шодиёна кутиб олганлигини тасвирловчи кинокадрлар айниқса ёркин таассурот қолдиради.

Томошабинлар экранда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг ва ҳамкорликнинг асосий принципларини ривожлантирувчи Совет-Ҳиндистон шартномаларини имзолаш маросимини кўрдилар.

(ТАСС).

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг махсус кенгашчиси ҳамда вакили Ле Дик Тхо билан учрашди. У АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер билан учрашиш учун Парижга бораётиб Москвага келди.

Самимий дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Ле Дик Тхо Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисидаги шартномаларнинг бажарилишига эришиш мақсадида Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг катъият билан сарфлаётган кучи тўғрисида батафсил гапирди. У Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг ҳам изчиллик билан олиб бораётган сиёсати шу шартномага қатъий равишда риоя қилиш ва уни бажаришдан ҳамда айни вақтда мазкур шартноманинг бошқа икки иштирокчиси — АҚШ билан Сайгон маъмуриятининг ҳам ҳудди шундай ҳаракат қилишини қатъиян талаб этиш эканлигини таъкидлаб ўтди. Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати бу ҳақда бир неча марта таъкидлаб ўтганидек, у Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган районлари аҳолисини ҳимоя қилиш, унинг суверенитетини ва территориясини душманнинг ҳар қандай ҳамласидан сақлаб қолиш учун зарур чоралар кўришни ўз ҳуқуқи деб билади.

Совет томони ВДР ҳукумати ва ЖВР Муваққат революцион ҳукуматининг Париж шартномаларини унинг барча иштирокчилари томонидан қатъиян бажарилишини таъминлашга қаратилган позицияларини ва эзгу ниятларини ҳамиша қўллаб-қувватлашини билдирди. Совет кишилари бу шартномаларнинг Сайгон режими томонидан ҳамон бузилаётганлигини кескин қоралайдилар ва бу ҳолга дарҳол чек қўйилишини талаб қиладилар. Таъкидлаб ўтилдики, Вьетнам халқи шимолда социалистик қурилиш планини бажариш, жанубда мустақиллик, демократия ва бетарафликка эришиш, Вьетнам диёрида мустаҳкам тинчликни таъминлаш ва шу билан Ҳинди-Хитойда ҳамда Шарқи-Жанубий Осиёда тинчлик ишига ўз ҳиссасини қўшиш йўлидаги ғайрат-ҳаракатида бундан кейин ҳам Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдамни ва мададини олаверади.

Суҳбатда Совет томонидан КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари О. Б. Рахманин, СССР ташқи ишлар министри ўринбосари Н. П. Фирюбин, Вьетнам томонидан Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари Фан Хиен ва ВДРнинг СССРдаги элчиси Во Тхук Донг қатнашдилар.

БМТ: МУҲИМ РЕЗОЛЮЦИЯ

Хатарли қуролланиш пойгасини чеклаш ва уруш хавфини камайтириш, барча халқларнинг тинч-муш шароитини яхшилаш, ниҳоят, ривожланиб бораётган мамлакатларнинг ўтмишдаги мустамлакачиликдан мерос бўлиб қолган иқтисодий қолоқлигини тугатиш—замонамизнинг ўзаро маҳкам боғланган актуал проблемаларидир. Совет Иттифоқи «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган давлатларнинг ҳарбий бюджетларини 10 процент қисқартириш ҳақида ва тежалган маблағларнинг бир қисмидан ривожланиб бораётган мамлакатларга ёрдам бериш учун фойдаланиш тўғрисида» тақдим этган резолюция бу проблемаларни ҳал этишга қаратилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоларининг ғоят кўпчилиги —83 давлат Бош Ассамблеянинг шу сессиясида ана шу резолюцияни маъқуллади.

Бош Ассамблея шу резолюцияга мувофиқ, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган барча давлатлар (СССР, АҚШ, Англия, Франция ва Хитой)га навбатдаги молия йилида ўзларининг ҳарбий бюджетларини 1973 йилдагига нисбатан 10 процент қисқартиришни ва шу тарзда тежалган маблағларнинг ўндан бир қисмини ривожланиб бораётган мамлакатларга ёрдам бериш учун ажратишни тавсия этди. Бош Ассамблея бошқа давлатлар ҳам ўзларининг ҳарбий бюджетларини қисқартириш чораларини кўрсинлар, деган истагини ҳам изҳор қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, бутун жаҳонда ҳарбий мақсадлар учун 200 миллиард доллардан ортиқ маблағ ҳар йили сарф қилинаётганлигини ва ривожланиб бораётган мамлакатларга иқтисодий ёрдам бериш учун ҳар йили атиги 7 миллиард доллар сарфланаётганлигини эътиборга олганда, Совет Иттифоқининг таклифини амалга ошириш ўз иқтисодий қолоқлигини тугатиш учун курашиб олиб бораётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларига қўшимча имкониятлар очиб беражаги аён бўлиб қолади.

Аммо бутун иш бу билан чекланиб қолмайди. Қуролланиш пойгасини чеклаш йўлидаги янги қадам халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини кейинга йтириш ва кучайтиришга, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга, ер юзида сиёсий вазиятни соғломлаштиришга шубҳасиз, ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси табиий, катта ва кичик барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушади.

Шу нарса диққатга сазоворки, жаҳондаги бутун тинчликсевар жамоатчилик зўр иштиёқ билан маъқуллаган совет таклифига бу сафар АҚШ ҳам, Англия ҳам, Франция ҳам қарши чиқиш мумкин деб ҳисобламади. Ана шу уч давлатнинг делегацияси резолюцияни овозга қўйиш вақтида бетараф бўлиб қолган БМТнинг 38 аъзоси қаторидан жой олди. Хитой билан Албаниянинг резолюцияга қарши чиққанлиги бежиз эмас. Бу ҳол маочилар раҳбарлиги снёсатининг халққа қарши қаратилган ва тинчлик манфаатларига зид бўлган моҳиятини яна бир марта фош қилиб ташлайди.

Шундай қилиб, муҳим резолюция маъқулланди. Эндиликда бу резолюцияни амалга ошириш учун кураш олиб бориш керак.

ЕВРОПА ТИНЧЛИГИ ИШИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Утган ҳафта ичида Прагада Чехословакия Социалистик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш ҳақидаги шартнома имзоланди. Шу билан бирга бу давлатлар ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, бу воқеа ҳар икки мамлакат ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлибгина қолмай, балки Европада тинчлик ўрнатишга қўшилган катта ҳисса ҳамдир.

Шартнома аввало, Чехословакия Социалистик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатларни ўтмишнинг оғир сарқитларидан халос этади, чунки бу шартнома 1938 йилда Мюнхенда тузилган битимни бекор қилади. Маълумки, гитлерчилар Германияси куч ишлатиш билан тақдид этиб Чехословакияга мажбуран қабул қилдирган бу битим ўша вақтда Чехословакия давлатининг парчаланиб кетиши ва тугатилишига сабаб бўлган эди. Эндиликда имзоланган шартнома Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳозирги чегараларини дахлсиз эканлигини мустаҳкамлаб ва ҳар икки томон куч ишлатиш ва куч ишлатиш билан тақдид қилишдан воз кечганлигини таъкидлаб, ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларни тинч-тотув яшаш ҳамда яхши қўшничилик руҳида қар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам негиз вужудга келтиради.

Шартноманинг икки томонлама муносабатлар доирасидан ташқари чиқадиган бошқа жиҳати ҳам муҳимдир. Гап шундаки, бу шартнома Европада тинчлик биносининг мустаҳкам пойдеворини қуришни лозим бўлган халқаро муносабатлар системасининг муҳим қисмидир. Аввало, 1970 йилда СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган шартнома шундай битимлар қаторига киради. Европада тинчлик кейинги даврдаги чегараларнинг дахлсизлиги принципини мустаҳкамлаган бу муҳим ҳужжат ГФРнинг бошқа социалистик давлатлар билан, шу жумладан Польша Халқ Республикаси ва Германия Демократик Республикаси билан муносабатларини нормаллаштириш жараёнини тезлаштирди. Эндиликда Чехословакия Социалистик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган шартнома ана шу шартномалар қаторига қўшилди.

Польшада чиқадиган «Жолнеж Вольности» газетаси бу шартномани «Иккинчи Жаҳон урушининг қатъий натижаларини эътироф этиш асосида Боннинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан муносабатларни нормаллаштириш йўлида қўйган янги қадами» деб таърифлайди. Обзорчилар эндиликда Германия Федератив Республикасининг Болгария ва Венгрия билан дипломатия муносабатлари ўрнатиши учун пайт келди, деб ҳисоблайдилар.

Европа жамоатчилиги бу тадбирларни кенг маъқуллаган бир пайтда Ғарбий Германиядаги баъзи доиралар социалистик мамлакатлар билан муносабатларни яхшилаш юзасидан Брандт ҳукумати ўтказиб келаётган сиёсатга путур етказиш учун зўр бериб уринаётганликлари ҳаммани таажжубга солади. Бавария ультрасининг раҳбари Штраус ва христиан-демократик иттифоқ-христиан социал-иттифоқ парламент фракциясининг раҳбари Крастенс бу соҳада жуда разил роль ўйнамоқдалар. Улар Прагада имзоланган шартномага қарши чиқдилар.

Европанинг тараққийпарвар жамоатчилиги ўз ҳужжатини табрикламоқда ва уни Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар тинчликни мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган изчил сиёсат муваффақият қозонганлигини тасдиқловчи янги далил деб билади.

НАТО: МУЗ ПАЛАХСАСИ ЕРИЛДИ

Капиталистик давлатларнинг қарийб чорак аср илгари тузилган энг катта ҳарбий иттифоқи ҳозирги шароитда муз палахсасига ўхшаб қолди. Бу палахса халқаро сиёсий иқлим яхшиланиб бораётган ҳозирги пайтда ҳам «совуқ уруш» серқити бўлиб қолмоқда.

Дарҳақиқат НАТОда қуролланиш кейин унга якун ясаб, «Америка ҳукумати НАТОда аъзо бўлган Европа мамлакатлари кўпчилигининг позициясидан норозидир» ва «бу иттифоқдаги иттилофлар хатарли тус олди» деб қайд қилишга мажбур бўлди.

Хуллас, Брюссель сессияси халқаро кескинлик юмшашининг илиқ шамоллари «совуқ урушнинг НАТО каби муз палахсасига ҳам маълум даражада таъсир ўтказаётганлигини кўрсатди. Барча мамлакатларнинг халқлари, шу жумладан НАТОга аъзо бўлган мамлакатларнинг халқлари ҳам халқаро кескинликнинг юмшашини тобора зўр ғайрат билан қўллаб-қувватламоқдалар.

ИСРОИЛ: ҲУКУМАТГА ИШОНЧСИЗЛИК КУЧАЙИБ БОРМОҚДА

Исроилда парламент сайлови 31 декабрга мўлжалланган. Бу мамлакатда сайлов арафасида халқ оммасининг чин манфаатларига зид йўл тутган ҳукмрон доираларнинг экспансионистик ва ирқчилик характерга эга сиёсати тобора кескин танқид қилинмоқда. Кейинги вақтларда жамоатчилик фикрини билиш учун тарқатилган саволларга олинган жавобларнинг натижалари Голда Меир ҳукуматининг сиёсий йўлини қўллаб-қувватлаётган исроилликлар сони кейинги бир ярим ой ичида икки баравардан зиёд камайганлигини исбот қилади.

Урушқоқ кайфиятдаги раҳбарларнинг кейинги агрессив авантюраси Исроил халқига жуда қимматга тушди. Жанг майдонларида неча минглаб солдат ва офицерлар ўлдирилди. Исроил 18 кун давом этган урушнинг ҳар бир соати учун 10 миллион доллар сарф қилди, бутун уруш учун эса Тель-Авив қарийб 5 миллиард доллар маблағ сарфлади. Ҳарбий мақсадлар учун бу қадар жуда кўп маблағ сарфлаш натижасида мамлакатда инфляция кучайиб бормоқда, нарх-навo кўтарилмоқда.

Аммо октябрдаги уруш давомида рўй берган маънавий-сиёсий омиллар исроилликларнинг ўз ҳукуматига нисбатан муносабати ўзгаришига жуда катта таъсир кўрсатди. Исроил армиясининг «енгилмаслиги» тўғрисидаги афсона чиппакка чиқди, арабларнинг жангга «қобилсизлиги» ҳақидаги даъволар тамомила пуч эканлиги аён бўлиб қолди. Сионистларнинг пропагандаси ўзларини атайин чалғитганлигини халқ оммаси тушуниб олди.

Кейинги уруш ҳаракатларидан илгари саволга жавоб қайтарган исроилликларнинг 50 процентдан кўпроғи Тель-Авив босиб олинган ерларнинг бир парчасини ҳам арабларга қайтариб бермаслиги керак, деган фикрни билдирган эди. Лекин оддий исроилликлар кейинги воқеалар таъсири остида ҳукуматнинг фикрига зид равишда ўз қарашларини ўзгартирмоқдалар. Ҳозирги вақтда саволларга жавоб қайтарган кишиларнинг 11 процентигина территория масалаларида «қаттиқ йўл тутишни ва «ён бермасликни» ёқлаб чиқди.

Кейинги вақтларда Тель-Авив агрессив сиёсатининг асосий илҳомчиси мудофаа министри Моше Даян илгари ҳеч қачон кўрилмаган даражада қаттиқ танқид қилинмоқда.

Америкaнинг Ассошэйтед пресс агентлиги мухбири «Ҳамма Моше Даяннинг истеъфо беришини талаб қилмоқда», деб Қудусдан хабар берди.

Ишчилар партияси деб аталган ва Исроил ҳукмрон коалициясининг негизи бўлган партия раҳбар органининг яқинда бўлиб ўтган конференцияси исроилликларнинг фикрида ана шундай бурилиш рўй берганлигини акс эттирди. Бу конференцияда сўзга чиққан кишиларнинг кўпи ҳукуматнинг сиёсатини қаттиқ танқид қилди. Масалан, Исроил касаба союзларининг раҳбарларидан бири Бен-Агарон «кейинги икки ой мобайнида рўй берган воқеалар ҳукуматнинг сиёсати кейинги йилларда синовга бардош беролмаганлигини кўрсатди» деб тан олди.

Исроил ҳукмрон доираларидаги ихтилофлар тобора кескин тус олмоқда, исроилликлар орасида ана шу ҳукмрон тўда раҳбарларига нисбатан ишонч тобора пасаймоқда.

Э. БАСКАКОВ,
В. СЕРОВ,
В. ГОНЧАРОВ,
С. КУЛИК.
(ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ЧИЛИДАГИ БЕБОШЛИККА ҚАРШИ

◎ **БРЮССЕЛЬ.** Чили радикаллар партияси раҳбарлигининг бу ерга келган аъзоси Карлос Пара Чили ватанпарварлари билан бирдамлигини мустаҳкамлашга ва ҳарбий хунта авж олдириб юборган террор ҳамда репрессияларга чек қўйишга даъват этди. Карлос Пара матбуот конференциясида нутқ сўзлаб, Чилида демократларни қувғин қилиш ва таъқиб этиш барҳам топмай, балки ғоят кенгайиб бораётганлиги ҳақида гапирди.

Бундай вазиятда, деб уқтириб ўтди у, Чили ҳарбий хунтасининг бебошлигини тўхтатишни талаб этаётган жаҳондаги барча тараққийпарвар кучларнинг халқаро бирдамлиги ғоят муҳимдир.

◎ **ЖАЗОИР.** Франция демократик меҳнат конфедерацияси ва Жазоир меҳнаткашларининг умумий иттифоқи Чилида реакцион ҳарбийлар томонидан мамлакатдаги демократик, ватанпарвар кучларга қарши авж олдирилган қонли террорни кескин қоралади. Ҳар икки насаба союз ташкилоти Франция демократик меҳнат конфедерацияси делегациясининг Жазоир Халқ Демократик Республикасига визити якунлари тўғрисида бу ерда эълон қилинган қўшма акборотда Чилида демократик эркинликлар тиклансин, деб қатъий талаб қилди.

◎ **БОГОТА.** Неча минглаб колумбиялилар Чилида реакция кучлари томонидан авж олдирилган террорга қарши қатъий норозилик билдирмоқдалар. Чили хунтасининг қонли режимини қоралаш учун мамлакатнинг ҳамма қисмида митинг ва намойишлар ўтказилмоқда. Колумбиядаги тараққийпарвар партиялар ва ташкилотларнинг блоки — миллий оппозиция иттифоқи хотин-қизлар комитетининг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай деинилади: хунта уч ойдан буён Чили халқини қонга ғарқ қилмоқда, Халқ бирлиги ҳукуматининг барча демократик прогрессив ғалабаларини инсон қилмоқда.

Чили халқининг нураши — Латин Америкаси мамлакатларининг барча халқлари миллий озодлик йўлида олиб бораётган курашининг бир қисмидир. Шу сабабли дейиладн баёнотда, қардош Чили халқи билан бирдамлик — барча ватанпарварлар ва демократларнинг энг биринчи бурчидир.

(ТАСС).

ЯҚИН ШАРҚДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ҚОҲИРА. 17 декабрь. (ТАСС). Миср Араб Республикаси ташқи ишлар министри И. Фаҳми Яқин Шарқ хусусида 18 декабрда очилиши керак бўлган Женева сулҳ конференциясига 21 декабрга кўчирилганлигини маълум қилди.

БАЙРУТ. 17 декабрь. (ТАСС). Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафар қилаётган АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер кеча Ливанга келди. У президент С. Франжье билан, Бош министр Т. Сулҳ ва ташқи ишлар министри Ф. Нафаа билан учрашди.

НЬЮ-ЙОРК, 17 декабрь. (ТАСС). Г. Киссинжер 18 декабрда Тель-Авивга келди.

ДАМАШҚ. 17 декабрь. (ТАСС). Исроил қўшинлари Сурия — Исроил секторида яна жанжал чиқардилар. Сурия ҳарбий қўмондонлиги вакилининг айтишича, Исроил қўшинлари 16 декабрь эрталаб шимолий участкадаги илғор позицияларини мустаҳкамлашга уринган кўринади. Аммо Сурия артиллерияси исроилликларнинг бу уринишларини барбод этган.

ЮНЕСКО КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

Ўзбекистоннинг бугунги камоли

ЖОКЬЯКАРТА, 15 декабрь. (ТАСС мухбири). Осиё мамлакатларида маданият соҳасидаги снёсат масалалари юзасидан Юнеско ҳукуматлараро конференцияси Индонезиянинг Жокьякарта шаҳрида ўз ишини давом эттирмоқда.

Конференция ишида Осиё қитъасидаги 20 дан кўпроқ мамлакатлардан келган делегация қатнашмоқда. Конференция ишида қатнашиш учун СССР маданият министри Е. А. Фурцева бошчилигида Совет Иттифоқи делегацияси келди.

Конференция иштирокчилари маданий қурилиш проблемаларини, шунингдек Осиё қитъасидаги халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатиш ишида маданий бойликларни халқаро миқёсда айирбошлашнинг роли тўғрисидаги масалани муҳокама қилмоқдалар.

14 декабрдаги мажлисда Совет делегациясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР маданият министри Ғ. Н. Нажимов сўзга чиқди. У Совет Иттифоқи халқларининг маорифи ва маданий ривожланиши масалаларига тўхталиб ўтди. Министр маданий қурилиш Совет давлати сиёсатининг узвий, ажралмас қисми эканлигини таъкидлаб ўтди. Донладчи бир вақтлар чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаси ҳисобланган Ўзбекистон мисолида республика аҳолисининг маданий ва маънавий савиясини тинмай оширишда давлатнинг иштирок қилиши самарали эканлигини кўрсатди. Маданий революция соҳасида ленинча программанинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон ёппасига саводхон республикага айланди. Аҳоли ўртасида жаҳолат ва саводсизлик абадий тугатилди. Ҳозир республикадаги 9 мингдан зиёд умумий таълим мактабларида 3,5 миллион бола ва ўсмир таълим олмоқда.

Маданий қурилиш соҳасида эришилган муваффақиятлар, деб таъкидлади министр, ҳозирги вақтда республикада ҳар бир кишининг ўрта маълумот олиши зарур эканлигини тўғрисидаги масалани қўйишга ва ҳар бир гражданни маданий-эстетик тарбиянинг бирон бир шаклига жалб этиш вазифасини амалга бажаришга имкон берди. Донладчи таъкидлаб ўтганидек, бошқа иттифоқдош республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам маданий қурилишнинг хусусияти шундан иборатки, меҳнаткашлар кенг оммасини маданий ва эстетик тарбиялашда олимлар, ўқитувчилар ва санъат арбоблари актив қатнашмоқдалар, шунингдек бадиий ҳаваскорлик кенг қулоч ёйган. Ўз характери жиҳатидан жамоатчилик иши бўлган бадиий ҳаваскорлик Совет Иттифоқида аллақачонлардан бери давлат аҳамиятига молик иш бўлиб қолди.

Д. ЖЕГАЛОВ.

ФАН ВА ҲАЁТ

СИРЛИ „САНДИҚ“

Гўзал диёримиз ўз территориясидаги конларнинг ўрганилиши ва очилиши жиҳатидан Иттифоқимизда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг ,мис, кўргошин, рух, қалай, вольфрам ва бошқа фойдали қазилма конларининг «кўзи» очилди. Натижада республикамизда мис, рух, кўргошин, флюорит, шпат хом ашёси каби фойдали қазилмаларни ишлаб чиқариш саноати ва рангли металлургия вужудга келди.

Партия XXIV съезди қарорларида геологик қидирув ишларини асосан етиладиган районларда ва ишлаб турган кон-қазиш корхоналари яқинида олиб бориш алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу хусусда фикр юритадиган бўлсак, Ўзбекистон территорияси рангли, нодир ва тарқоқ металлар, маъдансиз, химиявий хом ашёси билан характерлидир.

Ҳозир республикамизнинг Қурама, Чотқол, Зирабулоқ Зиёвуддин тоғларида, Марказий Қизилқум ва Нурота районларида, жанубий Ўзбекистонда бир қанча геология қидирув экспедициялари ишлаб турибди.

Республикамиз ер ости бойликларини ўрганиш ва ўзлаштиришда Ўзбекистон ССР Геология министрлиги, республика Фанлар академиясининг илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларининг коллективлари катта роль ўйнамоқдалар. Айни чоғда бу коллективлар зиммасига Ўзбекистон ер ости бойликларини ўзлаштириш, геология-қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш каби катта муаммоларни ҳал этиш ва уларни юқори погонага кўтариш вазифаси юклатилган.

Академиямизнинг олимлари яқин йилларга мўлжалланган фан ва ишлаб чиқариш кучларининг тахминини ишлаб чиқиш, шунингдек, минерал хом ашё базасини яратиш борасида самарали ишламоқдалар.

Саноатнинг ривожланиши, уни турли фойдали қазилмалар билан таъминлаб туриш геологлар, олимлар ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари олдига янгидан-янги проблемаларни ечишни, геология-қидирув ишлари унумини оширишни ва янги конларни очиш, маълум конларни ўрганишни талаб этади. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон геологлари олдида бир қатор муҳим муаммолар турибди. Шулардан энг муҳимини қайд қилиш керак. Ҳар бир маълум маъданли районларда ишга туширилган конлар ва қидирилган конлардан ташқари жуда кўп маъдан нишонлари ҳам мавжуд.

Уларнинг истиқболини баҳолаш геология-қидирув ишлари самарадорлигини янада кўтаради. Зирабулоқ-Зиёвуддин, Нурота тоғлари, Марказий Қизилқум, Олмалиқ ва Юқори Ангрен районлари ва бошқа жойларни ана шундай районлар ҳисобига киритиш мумкин. Бу ерлардаги маълум бўлган маъдан нишонлари ҳақидаги материалларни кўздан кечирар эканмиз, ҳар бир маъданли районда ишга туширилган конга ўнлаб, ҳатто юзлаб маъдан нишонлари тўғри келишини кўрамиз. Бу нишонларни ўрганиш мақсадида бир нечта қидирув-текширув ва геологик изланиш ишлари олиб борилди. Аммо, қидирув ва текширув ишлари билан биргаликда ана шу маъдан нишонларининг истиқболини белгилаш бирмунча қийинчилик туғдирмоқда. Бугунги кунда бу масала геология фанининг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бошқа энг муҳим проблемалардан бири ер остида ётувчи, эрозияланиш натижасида ҳам очилиб қолмаган маъданли жинслар ва конларни ўрганишдан иборат. Маъданли районларда тарқалиш белгилари маъдан ҳосил бўлиш жараёнларидан дарак берувчи қулай тоғ жинслари, структуралари кўп, лекин эррозия маъданли жинсларни ҳали очганича йўқ.

Аслида бу «кўринмас» маъданли жинслар ўнлаб ва юзлаб метр чуқурликда яшириниб ётади ва муҳим конларни ҳосил қилади. Ҳозир бундай ер юзасига чиқиб қолмаган конларни ўрганиш соҳасида маълум даражада ишлар олиб борилмоқда. Агар кейинги йилларда очилаётган конларнинг сони тобора камайиб бораётганини ҳисобга олсак, бош масалалардан бири ер юзасига чиқмай қолган конларни ўрганиш деб ҳисоблаш мумкин. Янги илмий асос ва методик усулларни ишлаб чиқиш геология фани олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон территориясида муҳим маъдан ташувчи жинслар-палеозой ва ундан аввалги даврда ҳосил бўлган тоғ жинслари кўплаб топилади. Улар ўлкамизнинг мезозойдан аввалги тарихидан ҳикоя қилади . Улар ўз навбатида мезо-кайнозой даврлари ётқизиқлари билан қопланган бўлиб, тоғлик, тоғ олди районларида, Қизилқум чўлида кичик майдончалар шаклида чиқиб қолган. Мезозойдан аввалги пойдевор жинсларининг бундай кўриниб қолиши Ўзбекистон территориясининг 25-30 процентини ташкил этади.

Тоғлик районларнинг ички ва ён қисмларида мезо-кайнозой даврлари ётқизиқларининг қалинлиги у қадар катта эмас. Маълум маъданли зона ва майдонлар мезо-кайнозой ётқизиқларининг тагида давом этади. Бу ўринда айрим маъданли районларда ва Марказий Қизилқумдаги мис, кўргошин, рух, симоб сингари нодир металларга эга бўлган маъданли зоналар ва томирларнинг давомини мезо-кайнозой ётқизиқлари остидан қидириш ҳамда ўрганиш катта истиқболга эга.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ёпиқ территориясидаги маъданларни қидириш муҳим муаммолардан ҳисобланади. Бу республикамиз конларининг истиқболи порлоқ эканлигидан далолат беради.

Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда очилган ва ўзлаштирилган конлар тарихига назар ташлаб, таҳлил қилар эканмиз, асосий эътибор юқори палеозой даври конларини ўрганишга қаратилганлигини кўрамиз. Қуйи палеозой ва ундан аввалги даврларнинг ётқизиқлари кам ўрганилган. Қуйи палеозой даврига оид жинсларни ўрганиш, айниқса, муҳимдир.

Жанубий Ўзбекистоннинг қуйи палеозой тузилмаларини ўрганиш чоғида қўргошин, рух ва бошқа маъданнинг янги турлари аниқланди. Қизилқумда тоғ жинслари кичик-кичик майдончалар шаклида чиқиб туради. Шунинг учун қуйи палеозой ва ундан аввалги ётқизиқларни ўрганиш, уларнинг келажагини белгилаш геология фани ва амалиёти учун жуда катта аҳамиятга эга.

Республикамиз территориясининг геологик ўрганилиши натижасида кейинги пайтда бутунлай янги вулканоген-гидротермаль (Хандиза), метаморфоген-гидротермаль (Мурунтов) ва бошқа тур ҳамма формацияларга кирувчи конлар топилган.

Кейинги йилларда, асосан, Жанубий Ўзбекистонда кенг тарқалган мезо-кайнозой тоғ жинслари билан боғлиқ ҳолдз рух, кўргошин, қалай, симоб, флюорит каби фойдали қазилмалар топилди. Уларни кенг миқёсда ўрганиш, республикамизнинг жанубида кон қазиш саноатини янада юксалтириш учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Ушбу мақолада биз, асосан, геология фани ва амалиётининг базъи муҳим муаммолари тўғрисида фикр юритдик. Бундай муаммоларни тўғри ҳал қилиш маъданларнинг текшириш усулларини янада такомиллаштиришни, илмий-тадқиқот муассасаларининг, олий ўқув юртларининг лабораторияларини қайта тузишни, ишлаб чиқариш ташкилотлари мавзуларини яхшилашни тақозо этади. Шу сабабли республика академиясининг перспектив планида ишлаб турган лабораторияларни ривожлантириш ҳамда ихтисослаштирилган маъданли конлар геологияси ва металлогенияси институти тузиш назарда тутилди.

Юқорида баён этилганлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ер ости бойликларини ўрганиш ва ўзлаштиришда маълум ютуқларга эришилди. Шу билан бирга ҳали ечилмаган муаммолар ҳам мавжуд. Уларни тўғри ва тез ҳал қилиш минерал хом ашё тайёрлаш учун асос бўлади ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган қидирув ишлари планини тузиш учун имкон беради.

Ҳ. БОЙМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг бош илмий котиби, геология-минералогия фанлари доктори, профессор.

АХБОРОТ

ОБЛАСТЛАРДАН ДАРАКЛАР

АТЕИСТЛАР МАКТАБИ

КЕГАЙЛИ районидаги «Халқобод» совхозида атеистлар мактаби ташкил этилди. Биринчи машғулот Т. Шевченко номидаги Қорақалпоғистон Давлат педагогика институти ўқитувчиси Р. Қидирбоевнинг «КПСС XXIV съезди қарорлари ва илмий атеизмнинг вазифалари» деган суҳбати билан бошланди. Шу институтнинг ўқитувчиси, фалсафа фанлари кандидати С. Сейтимбетов «Марксизм-ленинизм дин ҳақида» мавзуида лекция ўтказди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОРОМГОҲ

МОСКВА районидаги «Ленинизм» колхозида XIX асрда бунёд этилган гумбаз мадраса бор. Унинг олдидан оқаётган Шахрихонсой бўйлари сўлим ва баҳаво. Мадраса ҳовлисидаги бир гектар майдондаги қалин дарахтзор бу ерга ҳуснн бағишлаган. Қишлоқ аҳолиси ана шу жойни обод қилишга киришди. Дастлаб мадраса ремонт қилиниб, колхоз музейи ташкил этилади. Сой бўйидаги соя-салқин жойларга сўрилар қўйилиб, чойхона қурилади. Шундай қилиб, бу ерда колхоз оромгоҳи барпо қилинади.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УИСОЗЛИК КОМБИНАТИ

ГУЛИСТОН шаҳрида Сирдарё областида энг катта уйсозлик комбинати қурилаётир. Корхона йилига «111-7669» сериали 40 минг квадрат метр йирик панеллар ишлаб чиқаради. Шу кунларда корхонанинг бош корпуси тезкорлик билан қад кўтараяпти. Бош корпус бир неча цехдан иборат бўлади. Энг катта ремонт-механика цехида арматура тайёрлаш, металл қирқиш, монтаж қилиш, пайвандлаш ишлари амалга оширилади. Янги уйсозлик комбинати келгуси йилда ишга туширилади.

И. НОРМАТОВ.

ГАЗ ОҚИМИ

УРТАБУЛОҚ газ кони (Қашқадарё областидан махсус қувурлар орқали «зангори олов» оқа бошлади. Муборак газни қайта ишлаш заводи дастлабки арзон ёқилғини қабул қилди.

Газ конини ишга туширишда Москва, Уфа, Тошкент, Бухоро шаҳарларидан келган мутахассислар муносиб ҳисса қўшдилар. Эндиликда Муборак газни қайта ишлаш заводи коллективи қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга киришади.

Ж. МУҲСИНОВ.

Реклама ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 16.30— МОСКВА. 16.35 — Янгиликлар, 16.45 — Рус тили. 17.30 — Фан оламида. 18.00 — Болалар учун кўрсатув. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Телевизион қўғирчоқ театри. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 — Ахборот. 20.30 — «ЧАШМА». 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Кинокўрсатув. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. Телеспектакль. 12.25— Ғафур Ғулом — поэзиямиз отахони. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Спорт кундалиги. 19.30 — «Жасорат». 20.00 — Телефильм. 20.55— **Одам боласи бўл** (бадиий фильмнинг биринчи серияси). 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Музикали программа. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Концерт. 23.40 — **Уша кунларда** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/XII да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/XII да **Парвона,** 19/XII да **Ажал минораси.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/XII да **Менинг жаннатим,**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ЕШ ҚАЛБЛАР» коллективининг гастролари.**

КИНО

Муҳаббат алангаси (2 серия) — НАВОИЙ номли, ҲАМЗА номли, САНЪАТ САРОЙИ, «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи).

Ринг — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи), «ЧАЙКА» (12.00, 14.00, 16.45).

Мен — Шаповалов — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МИР», С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқуруи).

Аломат қиз — «ЧАЙКА» (16.00, 20.30).

Ўз ҳисобидан 10 кун — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Менинг исмим — масхарабоз — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқуруи).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқуруи).

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: онкология, пропедевтик терапия стоматологияси, пропедевтик ортопедия стоматологияси, пропедевтик хирургия стоматологияси (профессорлар медицина фанлари докторлари), радиацион гигиена (медицина фанлари доктори, доцент);

санитария-гигиена факультетининг ички касалликлар пропедевтикаси профессори (профессор, медицина фанлари доктори);

кафедра доцентлари: рационгигиена, даволаш факультетининг ички касалликлар пропедевтикаси, пропедевтик ортопедия стоматологияси (доцентлар, медицина фанлари кандидати);

кафедра катта ўқитувчиси: КПСС тарихи;

кафедра ассистентлари: физика (5 ўрин), нормал анатомия (4), санитария-гигиена факультетининг ички касалликлар пропедевтикаси, меҳнат гигиенаси, онкология, оператив хирургия;

кафедра ўқитувчилари: КПСС тарихи, жисмоний тарбия,

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700033, Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 103-уй.

СССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ

ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра профессорлари: нормал анатомия, госпиталь педиатрияси,

кафедра доценти: КПСС тарихи;

кафедра катта ўқитувчилари: фалсафа, физика;

кафедра ассистентлари: асаб касалликлари (2 ўрин), патологик анатомия (2), тери таносил касалликлар (0,5), 2-болалар юқумли касалликлари кафедраси (0,5), нормал физиология, акушерлик ва гинекология, 1-болалар юқумли касалликлари кафедраси, педиатрияси;

кафедра ўқитувчилари: жисмоний тарбия, даволаш физкультураси ва врач назорати.

КОНКУРС МУДДАТИ—ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-140, Чермет кўчаси, 103-уй.

В. Д. ЖУРИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎРТА ОСИЁ ИРРИГАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: илмий-ташкилий бўлим, ташкилий-методик сектор;

катта илмий ходимлар: илмий-ташкилий бўлим (2 ўрин).

Конкурсда фан докторлари ёки кандидатлари ҳамда катта ишлаб чиқариш, илмий ишлар ва тадқиқотларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар қатнашаолади лар.

Бошқа шаҳарлардан келиб конкурсдан ўтган мутахассислар уй билан таъминланадилар.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

ҲУЖЖАТЛАР: Тошкент шаҳар, Я. Колас кўчаси, 24-уйга юборилсин.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

(СоюзНИХИ)

1974 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кундузги ўқишга: биохимия, ўсимликлар физиологияси, мелиорация ва сувли ерлар деҳқончилиги, агрохимия;

сиртқи ўқишга: микробиология,умумий деҳқончилик, тупроқшунослик, ўсимликшунослик, иқтисод, қишлоқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришни ташкил қилиш.

Кириш имтиҳонлари — 1 январдан 1 февралгача ўтказилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: диплом нусхаси иловаси билан (тасдиқланган), кадрлар учёти бўйича шахсий варақа фотосурат билан, таржимаи ҳоли, характеристика, меҳнат дафтарчасининг нусхаси, 286-формадаги медицина справкаси, олий ўқув юртининг тавсияси (шу йили тугатганлар учун), илмий ишлари ёки танлаган мутахассислиги бўйича реферат.

ҲУЖЖАТЛАР: Тошкент область, «Оқмовоқ» алоқа бўлимига юборилсин.

СССР Рангли металлургия Министрлиги

ЎРТА ОСИЁ ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИГА ишчилар таъминотида ишлаш учун бош бухгалтер

КЕРАК

Квартира берилади.

Меҳнат ҳақи келишилади.

Шунингдек бошқарма аппаратида ишлаш учун умумий овқатланиш ташкилотлари бўйича натта технолог, товаровед, иқтисодчи, юрист-консульт керак.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Р. Р. Шредер номидаги Ленин орденли богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига қарашли

ТОШКЕНТ ПЛОДОПИТОМНИК СОВХОЗИ

АҲОЛИГА ВА ТАШКИЛОТЛАРГА

1973 ЙИЛ ВА 1974 ЙИЛ БАҲОРИДА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

МЕВА, УЗУМ ВА ГУЛ КЎЧАТЛАРИНИ

СОТАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Оржоникидзе район, «Свободный» алоқа бўлими. «Мир» кўчаси, 62-уй (20-автобуснинг «8-автопарк» бекати).

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

ШИРИН СЎЗ—МАЛҲАМ

Иш вақти тугаб, Раиса Исроиловна ташқарига чиққанида совуққина шамол турганди. Димоққа ёмғир ҳиди урилди. Ҳали-замон ёғиб қолса керак. Уст кийимининг юқори тугмаларини солиб, ёқасини кўтаришга улгурмаган ёш бир зум жойида тўхтади. «Қайтиш керак. Бод, радикулит каби касалликлар нам ҳаво билан чиқиша олмайди, —хаёлидан ўтказди. —Беморларни огоҳлантириб, керакли тадбирларни белгилаш зарур. Сўнг хотиржамгина уйга қайтиб, дам олиш мумкин».

Тадбир-чораларни белгилаб, врач палатадан чиқиб кетди.

— Умридан барака топсин, Раиса Исроиловна бирам меҳрибон, бирам мулойимки, аста қўяверасиз, —деб гап бошлади бемор Г. Анескина. —Касалхонадан сўнг, пенсияга чиқаманми» деб ўйлаган эдим. Узимни жуда тетик сезяпман. Ишга чиқиб, ишлайвераман.

— Раиса Исроиловна каби врачлар билан бир марта гаплашсангиз, дардингизни унутасиз-қўясиз, —дея бемор И. Стеблетцова гапни давом эттирди. —Мени биринчи марта кўраётганида бирор яхши танишига ўхшатаяптимикин деб ўйлабман. Энди билсам, у ҳаммага бир хил муносабатда бўлар экан.

— Нимасини айтасиз, —гапга аралашди М. Эгамбердиева. — Бундай илиқ гапларни касалхона бош врачи Раҳим Қодировдан тортиб, ҳамма ходимлар ҳақида айтиш мумкин. Бу ерга ана шундай меҳри дарё кишилар йиғилишган.

Ҳа, шифокорлар —меҳри дарё кишилар. Ана шундайлардан бири Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими «Тез ёрдам» клиникасининг физиотерапевти Раиса Исроиловна Кашкет ҳисобланади.

Касалхонада физиотерапия бўлимининг ташкил қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, қанчадан-қанча беморга ўз дардига шу ерда даво топди. Бунга бўлимдаги «Таклиф ва мулоҳазалар дафтари»да ёзилган қалб сўзларини ўқиганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Физиотерапия бўлимида шол касаллиги, суяк синиғи ҳамда умуртқа поғонаси касалликлари иссиқлик, ёруғлик нурлари, парафин ва бошқа шифобахш омиллар ёрдамида даволанади. Бўлим қарамоғидаги спорт залида эса малакали методист С. Арзуманова кўрсатмалари асосида даволаш ва тўғри натижа олиш гимнастикалари мунтазам ўтказиб турилади.

Юқори малакали врач Р. И. Кашкет ана шу бўлимнинг бошлиғи. У билан биринчи марта суҳбатлашаётган киши шифокорни қаердадир учратгандай ҳис этади. Эҳтимол, бунга ундаги кишига бўлган илиқ муҳаббати сабабчидир. Раиса Исроиловна шу ҳислатларни устози, профессор О. Н. Павловдан ўрганган. Касалхонада ташкил этилган медицина ҳамшираларни тайёрлов курсида машғулот ўтказаётганида ҳам бўлажак шогирдларига тинмай ана шу ҳислатларни сингдириб боради. Дарҳақиқат, ширин сўз—дилга малҳам, шундай экан беморни ширин сўз билан даволаса бўлади.

«Коммунистик меҳнат коллективи» деган шарафли номга сазовор бўлган «Тез ёрдам» клиникаси ходимлари қарийб 15 йилдан буён барча кўрсаткичлар бўйича Тошкент шаҳар шифохоналаои орасида биринчи ўринни эгаллаб келмоқдалар. Бугунги иш куни анъанага айланиб қолган беш минутли шифокорлар йиғилиши билан бошланди. Йиғилишда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Раҳим Кодиров яна Р. И. Кашкет бошчилик қилаётган бўлим ходимларининг самарали ишлари ҳақида мароқ билан гапирди.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

Ўзбекистон химия ва пахта целлюлозаси технологияси илмий-тадқиқот институти янги бинога кўчиб ўтди. Мукаммал асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораторияларда катта тадқиқот ишлари олиб бориляпти. Суратда: илмий ходимлардан С. Ф. Қазакова ва М. Абдураҳмоновалар иш устида.

И. Глауберзон фотоси.



СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭРКИНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Туапсе шаҳрида спортнинг оғир атлетика тури бўйича мамлакат кубоги ва шахсий чемпионати мусобақалари ўтказилди. Тош нутарар полвонлар баҳсида тошкентлин Эркин Каримов ғафар қўчди. «Буревестник» жамияти вакили Э. Каримов 60 килограммгача бўлган вазндаги атлетикачилар орасида устунликка эришди. У 115 килограммлик штанганн даст кўтаришда муваффақият қозонди. Унинг бу натижаси чемпионат олтин медалини олишига имкон берди.

ГАЛАБАДАН БОШЛАШДИ

Ватанимиз пойтахти Москвада халқаро мусобақа — катта хоккей ўйинлари бошланди. «Известия» газетаси совриии учун анъанавий турнирга старт берилди. Дастлабки ўқин учрашувларида ЧССР — Финляндия командалари куч синашди. Бу ўйинда ЧССР командаси 7:1 ҳисобида галаба қозонди. Совет хоккейчилари ҳам биринчи учрашувни галабадан бошлашди. Улар Швеция хоккейчилари билан ўйинда меҳмонлар дарвозасини 8 та шайба киритиб, фақат учта шайбани ўтказиб юбордилар.

Кеча халқаро турнирда Швеция — Финляндия, Польша — СССР командалари учрашди.

ШАХМАТ ЭСДА ҚОЛАРЛИ...

Устоз Азмиддин Ҳўжаев хотирасига бағишланган иккинчи анъанавий мусобақанинг охирги тур учрашувларида юз берган муҳим воқеалардан аввал, базъи янгиликларни айтиб ўтиш жоиз кўринади. Республикамиз ташкил топганига 50 йил тўлаётган бўлса, шу даврда уюшган, лъни мусобақалар ҳамда тўгаракларда қатнашувчи ва шуғулланувчи шахматчиларимиз сафи юз баравардан зиёд ортди. Спорт мастерлигига номзодларнинг ўзи юз нафардан кўпроқ. Лекин, шу йиллар мобайнида ўлкамизда бор-йўғи етти спорт мастери етиштирилди, холос.

Бу ҳар 30 минг шахматчига битта мастер тўғри келади деган сўз. Буни ишларимиз суслигидан деб бўлмайди, албатта. Асосий сабаб — спорт мастерлигига номзодлар олдига қўйилаётган талабларнинг анчагина мушкуллигидир.

Азмиддин Ҳўжаев хотирасига бағишланган ўтган йилги турнир ёш шахматчиларимизга қўмаклашган бўлса, галдагиси уларнинг маҳоратини ошириидан ўтказди. Тошкентлик мастерликка номзодлар Г. Аъзамов билан Д. Қаюмов 13 ва 14-турларда галаба қозониб, ниятларига етдилар. Спорт мастери унвонини олиш учун СССР шахмат федерациясининг махсус комиссияси белгилаган талабларни ўринлатиб қўйдилар.

Охирги тур куни шахмат клубига одам сиғмай кетди. Иккита янги спорт мастери пайдо бўлганидан мамнун мухлислар яна ниманидир сабрсизлик билан кутишарди. Энди мусобақа голиби ҳам ўзимиздан чиқса, яна бир мастерликка номзодимиз ҳам мақсадига эришса, делётгандек эдилар. Охирги ўйин мухлисларнинг кўнглидагидек ўтди. Республика чемпиони Маслов оғир аҳволдан чиқиб, Анетбоев шоҳини нишонга ола бошлади. Борисенконинг сипоҳлари Цешковский мавқеини таҳлика остида қолдирди. Аъзамовнинг отлари муҳим хоналарни эгаллаб, рақиб қароргоҳига бостириб боришга шайланмоқда. Пиичук ҳал қилувчи ҳаракатлар бошлашга зимдан шайланяпти. Шинавандалар ҳаммасини кўришга ошиқадилар-у, лекин улгура олмайдилар. Бирин-кетин натижалар пайдо бўла бошлайди. Биринчи гроссмейстер Аъзамов зарбаларига бардош беролмай ёш рақибини галаба билан табриклаб қўя қолди. Маслов муҳим очкони нақд қилиб қўйганди. Гроссмейстер Лейн Туркманистон чемпиони Какагелдиевдан устун келолмай «дог»га қолди. Энди гап Пиичук билан Подгаец учрашувида эди. Қирқ юриш бўлса ҳамки, донлар ҳали бут эди. Бунақаси камдан-кам учрайди. Бўлиниб қолган вазиятда Пиичукнинг қўли балоғатлигига қаноат ҳосил қилган томошабинлар уйларига хурсанд қайтдилар. Эртасига у осонгина ютди. Пиичук ҳам Аъзамов каби «норма»ни ошириб бажарди.

Уч ҳафталик қизғин курашлар ортда қолди. 15 имкониятдан 10,5 талаи очко олган республика чемпиони Л. Маслов билан халқаро мастер Цешковский (Омск) дастлабки икки ўринни ўзаро баҳам кўрдилар. Г. Аъзамов билан халқаро мастер М. Подгаец ғолиблардан ярим очко ортда қолдилар. 5-6-ўринлар гроссмейстер А. Лейн (Москва) билан С. Пиичукка, 7—8-ўринлар эса, Д. Қаюмов билан Г. Борисенкога тегди.

Хотиравий турнирда уч вакилимиз спорт мастерлиги даражасига кўтарилгани, беш шахматчимиз жадвалнинг юқорисидан жой олганлиги, айниқса, диққатга сазовор. Турнир ғолиблари Маслов, Цешковский, Аъзамов, Подгаецларга кўплаб мухлислар олқиши остида совринлар топширилди. Турнир қоидалари меҳмонларимиз ва таниқли гроссмейстер Сало Флор республика шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, минглаб шахмат шинавандалари билан учрашди.

М. МУҲИДДИНОВ,
мусобақа бош судьяси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 03915. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 295.